ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК!

Mustaqil gazeta
HURRIYAT
1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@rambler.ru № 52 (358) 2003-yil 31-dekabr

«HURRIYAT» сизники,
Сиз HURRIYATники бўлинг!
Газетамизга 2004 йил учун обуна давом этмокда.
Нашр кўрсаткичи — 233

Анъана

БИЗ ШУНДАЙ ХАЛҚМИЗ

"Халқ сўзи" газетасида Эсиргап Болиев деган ажойиб журналист бор. У бир ривоятни жуда кўп айтиб юради. Қизиғи шундаки, узоқ вақт биргаликда ишлаганим, гоҳ тўй, гоҳ маросим-маърака, гоҳ хизмат сафарларида ҳамроҳ бўлганлигим боис, ана шу ривоятни жуда кўп эшитганман. Эсиргап Болиевнинг ривоят айтиш маҳоратиданми ёки ривоятнинг зўрлигиданми, уни қанчалик кўп эшитмай ҳар гал янги эшитаётгандай таъсирланавераман. Бир мен шундайми десам, ён-веримдагилар ҳам мендан кам таъсирланишмайди. Бўлмаса, бунинг боиси нимада?

Ривоят шундай бошланади.

Олис ўтмишда бир одам яшаган экан. Унинг бир гўзал оти бор экан. Лекин эгаси отни қанчалик нархлашмасин, коса-коса олтинлар ваъда қилишмасин, ҳеч нимага алмаштирмас экан. Отнинг таъриф-тавсифи ҳатто подшоҳликкача етиб борибди. Бир куни шикорга чиққан подшоҳнинг ёдига баногоҳ ўша от тушибди: отни сотиб олгиси келибди. Сўраб-суриштиришса, кўпам узоқ жойда эмас экан, бориб от турган хонадоннинг эшигини тақиллатишибди. Уй эгаси меҳмонларни уйга таклиф этибди. Ўша халқнинг қизиқ одати бор экан. Мезбон меҳмондан дарров хизмат, деб сўрамас экан. Меҳмонлар мезбоннинг юриш-туришидан, лутфидан, аҳли аёлининг муомала-муносабатидан заррача бўлсин миннат сезишмабди. Ёмон мезбон ёмон-да. Унинг камлиги эртасигаёқ билинади. Мезбон уч кун ўтиб сўрабди: "Йўл бўлсин подшоҳим?" Подшоҳ: "Отингизнинг таърифи подшоҳликка ҳам етиб борди. Ўша отингиз подшоҳликнинг сайисхонасини безаб турса, деган ниятда келдик. Подшоҳлик унинг эвазига сиз истаган нарсани муҳайё қилишга тайёр", дебди. Шунда мезбон икки букилиб: "Сиздай одил, сиздай бокарам подшоҳ учун бир от нари турсин, жонимни ҳам беришга тайёрман. Лекин илож қанча, сиз уч кун тановул қилган гўшт ўша отнинг гўшти эди", дебди.

Биз шундай халқмиз. Уйига бир кило ширинлик олиб келса, аҳли аёли, болаларига бир-икки донадан берадида, қолганини яшириб қўяди: меҳмон келса қўямиз, деб. Эшигини тақиллатиб келган тиланчини ҳам қуруқ қайтармайди бу халқ. Узи болалари билан кичик бир хонада қисилиб ўтирса-да, иккинчи бир каттагина хонани меҳмон келади, деб безатиб қўяди. Меҳмон келса, ўзи пойгакда, уни тўрга ўтқазади. Йиллаб терган-йиққан нарсасини тўй қилиб, эл-улусга тарқатиб беради... Бундай халқ яна қаерда, қай юртда бор? Бу, эҳтимол, европалик ёки америкалик учун ғалатироқ туюлар, улар, эҳтимол, буни буткул қабул қилолмас. Лекин биз шундай халқмиз, биз шундай яралганмиз. Бу бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган.

Эҳтимол, бу бизнинг бахтимиздир... Чунки муқаддас китобларда саховат, меҳр-мурувват каби хислатлар ниҳоятда улуғланади. Улар инсонни икки дунё саодатига олиб борадиган сифатлар каби қадрланади... Лекин, айниқса, кейинги эллик-юз йиллик вақт ичида бундай сифатларимизга хийла путур етгани ҳам аён ҳақиқат. Барча соҳалардаги жаҳоний глобаллашув ва ахборот воситалари орқали бўладиган турли хил таъсирлар бизнинг ана шундай сифатларимизга янада кучлироқ таъсир ўтказиши муқаррар. Боз бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонун-қоидалари борки, улар билан ҳам бугун ҳисоблашиш зарур...

2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб аталиши моҳиятининг бир жиҳатини ана шунда кўриш мумкин. Шу баҳонаи сабаб бўлиб, кўнглимиздаги, ривоятлардаги каби қон-қонимизга сингиб кетган саховат, меҳр-мурувват булоқларининг кўзлари қайта очилишига умид қилиш мумкин. У бизни ўзлигимиз — аслимизга қайтаришга хизмат қилиши шубҳасиз. У бизнинг ҳазрати инсон эканлигимизни ва инсондай яшаб ўтишлигимизни ёдга солади. Ва бизни насиб қилса, улуғвор саховатли ишларга ундайди. Бизнинг қадим ва улуғвор илдизларимизни уйғотади. Ўтмиш ва келажак ришталаримизни янада мустаҳкам боғлайди.

Одатда маданий ва маърифий бойликларни, жамият ва инсонларга улар қўшаётган ҳисса ва улушларини ушлаб ёки ўлчаб бўлмайди. Айниқса, табиатига кўра моддиюнчига яқинроқ бўлган инсонларнинг бундай жараёнлар моҳиятини англаши янада мушкулроқ кечади. Лекин уларни ушлаб кўриб ёки ўлчаб бўлмаса-да, таъсири ва куч-қуввати кўп йиллар билан ўлчаниши ёки баҳоланиши муқаррар. Шундай экан, Меҳр ва мурувват йилининг аҳамияти, тошу тарозисини ана шундай улуғ мезонлар билан ўлчаш лозим бўлади.

Исмат ХУДОЁРОВ

Во ажаб!

ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ ЎЙЛАБ ГАПИР

Ўзбекларда ҳам, қирғизларда ҳам шу маънодаги ажойиб халқ мақоли бор. Бунинг замирида кўпчиликка бирон-бир гап айтадиган одам доимо масъулиятни ҳис қилиши лозим, деган маъно мужассам. Чунки айтилган сўз — отилган ўқ, айтилдими, бас, сизга бўйсунмайди, ўз ишини қилади.

Тарихдан яхши маълум, ўйламасдан, масъулиятсизлик билан айтилган бир оғиз гап баъзида қанчадан-қанча можароларга сабаб бўлган. Айниқса, одамларнинг, муайян элнинг шаъни ва ғурурини ифода этадиган тарихий қадриятларга дахлдор масалалар бўйича фикр билдирганда киши ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак.

Шу боисдан одатда илмий мунозаралар, сиёсий музокаралар чоғида фикрнинг, далил ва исботларнинг аниқлиги, қарашларнинг холислиги алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, давлат раҳбарларининг чиқишлари, нутқ ва суҳбатлари, фикр-мулоҳазалари ҳамиша оғир-босиқ, ҳар томонлама чуқур ўйланган бўлиши лозим. Негаки, ўз давлати ва миллати номидан гапираётган юксак мартабали раҳбарнинг ҳар бир сўзи унга ишонч билдирган халқнинг фикрини ифода этиши, у мансуб бўлган жамиятдаги жараёнларнинг моҳиятини ҳам ўзида яққол акс эттириши даркор.

Акс ҳолда, одам ўзбекларга ҳам, қирғизларга ҳам бирдек тушунарли бўлган "Мен не дейман-у, қўбизим не дейди" деган мақолда назарда тутилган ҳолатга тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Яқинда Қозоғистон пойтахти Астана шаҳридаги Евроосиё миллий университетида Қирғизистон Президенти А. Акаевнинг "Қирғиз давлатчилиги ва "Манас" халқ эпоси" деб номланган китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Китоб муаллифи ушбу маросимда, гўё ундан кўзланган асл мақсадни аён қилгандек, **"Қозоғистон XXI асрда бутун Марказий Осиё учун ривожланиш локомотиви бўлади",** деган башорат билан кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Чунки А. Акаевнинг бундан атиги 3 ой аввал Россияга қилган ташрифи пайтида **"Москва Марказий Осиё халқлари учун иқтисодий локомотивга айланади"** деб айтган гаплари ҳали кўпчиликнинг ёдидан кўтарилмаган эди. Бугун эса Астанада бу роль Россиядан Қозоғистонга олиб берилаётгани, бошқача айтганда, Алининг қалпоғи Валига кийдирилаётгани ҳар қандай одамда ҳам таажжуб уйғотиши табиий.

Яна бир ажабланарли томони шуки, Қирғизистон раҳбари Евроосиё миллий университетининг талаба ва ўқитувчилари ҳузурида нутқ сўзлар экан, юқоридаги "илмий қараш"ларини янада ривожлантиргандек ҳолда, бундай деди: **"Қирғизлар учун миллий ғоя "Манас" эпосида ўз ифодасини топган. Бу ғоя бизга хуннлар, Чингизхон, Темурланг ва бошқалар билан курашдан омон чиқишимизга ва, ниҳоят, XX асрда ўз давлатимизни барпо этишимизга имкон берди".**

Бундай гапларни, эҳтимол, билими, ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган бирон-бир талаба ёки эҳтиросини жиловлай олмаган ёш олим айтса, ажабланмаслик мумкиндир... Лекин давлат раҳбарининг орқа-олдини ўйламай, бундай асоссиз гапларни айтиши азал-азалдан қон-қардош бўлиб, ёнма-ён яшаб келаётган Ўрта Осиё халқлари тарихини яхши биладиган ҳар қандай инсонда эътироз уйғотиши аниқ.

Аввало, тарихда ўзидан турлича хотира ва из қолдирган Чингизхон ва Амир Темурни бир хил ёндашув билан ёнмаён зикр этишнинг ўзи ажабланарли бир ҳол. Қолаверса, туркий оламнинг буюк соҳибқирони бўлмиш Амир Темурни таҳқиромуз оҳангда "Темурланг" деб аташ ўзини туркий халқ вакили ҳисоблайдиган одамга, боз устига, зиёли, академикка ярашадими?

Майли, бу маърузачининг виждонига ҳавола бўлақолсин. Лекин тарихнинг ўзи Амир Темурнинг қирғиз халқига зулм ва зўравонлик қилмагани, аксинча, Ўрта Осиё минтақасидаги бошқа халқлар қаторида уни ҳам Чингизхон аждодларининг босқинидан, мўғул истилосидан халос қилгани ҳақида далолат беради.

Ўзингиз ўйланг, дунёда Чингизхон ва чингизийлардан нима қолди-ю, Амир Темур ва темурийлардан нима қолди? Чингизхондан қолган улкан вайроналар, Амир Темурдан эса буюк цивилизация, ўлмас маданий мерос қолганини ҳар бир маърифатли ва холис фикр юритадиган инсон яхши билади.

Амир Темур асос солган салтанат, унинг номи билан аталган буюк сулола даврида гуллаб-яшнаган маданият нафақат бугунги Ўрта Осиё, балки бутун Шарқу Ғарб оламига кучли таъсир кўрсатганини кўпчилик яхши билади. Қирғиз халқининг атоқли адиби Чингиз Айтматов, Византия Россияга нисбатан қанчалик ижобий роль ўйнаган бўлса, Ўзбекистон замини Ўрта Осиё халқларига нисбатан шунчалик ижобий роль ўйнаган, деган фикрни айтганида, айнан шу ҳақиқатни назарда тутгани шубҳасиз. Бутун қирғиз жамоатчилигига яхши маълум бўлган бу ҳақиқатни тескари талқин қилишга бугун қандай зарурат туғилиб қолди экан?

Яна бир ғалати ҳолат шуки, шу маърузада Туркистон заминида, жумладан, қирғиз ерида 130 йил ҳукмронлик қилиб, мустамлакачилик зулмини ўтказган Россия империяси ҳақида нима учундир лом-мим дейилмайди. Наҳотки, тарихнинг бу аччиқ ҳақиқати нотиқнинг ёдидан кўтарилган бўлса? Бу нафақат бошқа халқлар, балки аввало ўз халқининг озодлик йўлидаги оғир ва машаққатли тарихига нисбатан ҳурматсизлик ва масъулиятсизлик эмасми?

Ўша маърузада билдирилган яна бир фикр беихтиёр эътиборни тортади. Унга кўра, қирғиз халқи **"ниҳоят, XX асрда ўз давлатини барпо этиш"**га муваффақ бўлибди. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, Қирғизистонда 2003 йил мобайнида давом этган қирғиз давлатчилигининг 2200 йиллиги билан боғлиқ гап-сўзларни қандай тушуниш мумкин?

Маърузадаги фикрлардан гўёки қирғизларни XX асргача кимдир қафасда сақлаб, уларга ўз давлатини қуриш имконини бермаган, деган хулоса чиқади. Дарҳақиқат, бу суронли тарихда қачондир, қайси бир даврларда шундай бўлган бўлиши мумкин. Буни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин ўша куч ким экани нима учундир маърузачи томонидан очиқ айтилмайди.

Алқисса, бу маърузадаги ана шундай бирёқлама ва асоссиз фикрлар сиёсатбозлик ва сохта обрў топишга уринишлар қандай таассуфли ҳолатларни вужудга келтиришини яна бир бор яққол кўрсатиб турибди.

А. АҲМЕДОВ

Ҳамкасбларга

ЯНГИ ЙИЛ ҲАЗИЛЛАРИ

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси, "Ўзбекистон матбуоти" журнали Бош муҳаррири
Хуршид ДЎСТМУҲАММАДга

Мухбирларнинг бисотида
Қалам, қоғоз, сўзи бор.
Супраси сал қуруқроқ-у,
Эгнида-чи бўзи бор.

Кундузлари чиқар қуёш,
Тунда эса ой чиқар.
Журналистлар орасидан
Айтинг, қачон бой чиқар?!

"Муштум" журнали ва "Афанди" газетаси Бош муҳаррири Ашурали ЖЎРАЕВга

Айтиб юрган эмишсиз,
Латифани дафтар билан.
"Муштум" билан "Афанди"ни
Юбора қолинг каптар билан.

"XXI АСР" газетаси Бош муҳаррири Миродил АБДУРАҲМОНОВга

Танимабман, узр, ака,
Ўзгарибди формангиз.
Янги йилда ҳам ишлаб,
Ҳеч ҳам дейман толмангиз.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси Бош муҳаррири ўринбосари Аҳмад ОТАБОЕВга

Биз эшитдик жойингизга
Ўрнашибсиз мустаҳкам.
Газетангиз нусхалари
Нега, ака, жуда кам?!

"Халқ сўзи" газетаси бўлим бошлиғи Абдунаби ҲАЙДАРОВга

Кўзин юмиб хабар ёзар,
Чунки роса пишиб кетган.
Пули кўп-у нега озар,
Чунки тиши тушиб кетган.

"Туркистон" газетаси Бош муҳаррири Салим АШУРОВга

Анча бўлди кўрмадим,
Юрганингиз пиёда.
Бизга ишга юборинг,
Мухбир бўлса зиёда.

Ҳазиллар муаллифи: Абдураззоқ ОБРУЙ

Дунё

Дунё халқлари Янги йилни қандай кутиб олади?

Биз янги йил байрамини безатилган арча, Қорбобо, Қорқиз даврасида совғалар билан нишонлашга одатланиб қолганмиз. Дунёнинг бошқа давлатларида ҳам мазкур байрам яқинлашиши билан ўзига хос тараддуд бошланади...

Ҳиндистонда Янги йил куни ўқ отиш, чавандозлик мусобақалари ўтказилади. Мерган ва чавандозлар яхши ниятлар билан ғолиблик учун ҳаракат қилишади, чунки ҳиндларнинг эътиқодича, кимки шу куни мусобақа совринини қўлга киритса, келгуси йил ҳам унинг учун омадли ва қувончли келади. Йилнинг биринчи куни асабийлашиш мумкин эмас. Янги йил дилхиралик билан бошланса, бу кайфият йил бўйи давом этиши мумкин. Шунинг учун ҳиндлар эрта тонгда туриб байрамни хурсандчилик билан ўтказишга ҳаракат қилишади.

Хитойликлар Янги йилни "Чироқлар байрами" деб аташади. Бу мамлакатда кўп йиллар давомида қаҳратон қишнинг совуқ ва изғирин кунлари остида хайрлашиб, табиат уйғонишини кутиб олиш одат бўлиб қолган. Шу боис ҳам хитойликлар байрамни ўз календарлари бўйича йилнинг ўн бешинчи кунида нишонлашади. Янги йил эса дарахтлар куртак оча бошлаган февраль ойи охирларида кириб келади ва бу кўклам ташрифидан дарак беради. Янги йил чироқлари ўн иккита "Шенясо" — ҳар йил рамзи бўлган жониворлар кўринишида ўрнатилади. Байрам оқшомида эса барча чироқлар ёқилиб, кўчалар нурга чўмади. Бу билан чинликлар зулмат тарк этиши ва янги йил ёруғ келишини тилашади.

Янги йил оқшомида **Япония** шаҳарларини қўнғироқларнинг "жаранг-журунги" тутиб кетади. Қўнғироқларнинг 108 марта янграши эски йил тугаб, янги йил кириб келганини билдиради ва барча инсонлар ёшига бир ёш қўшилади. Ҳатто байрам арафасида туғилган чақалоқ ҳам бир ёшга тўлган ҳисобланади. Инсонда хасислик, аҳмоқлик, ёвузлик, ишончсизлик, ҳасадгўйлик, жоҳиллик каби иллатлар бўлиши мумкин. Шу билан бирга японлар ҳар бир инсон ортидан 108 хил кулфат эргашиб юради, деб ҳисоблашади. Қўнғироқларнинг 108 жаранги инсонни бу иллат ва кулфатлардан халос қилар экан.

Янги йил кириб келишига бир кун қолганида **Колумбия** кўчаларида ҳам катта қўнғироқлар кўтариб юрган кишиларни учратиш мумкин. Қўнғироқлар эски йил рамзи бўлиб, гўёки одамлар уларга барча яхшиликлар учун миннатдорчиликлар айтиб хайрлашишади.

Кубаликлар байрам арафасида хонадондаги барча идишларни сув билан тўлдириб қўйишади. Соат 12.00 га бонг ургач, эски йил муваффақиятли якун топгани сифатида сувни қайтиб тўкиб юборишади ва янги йил ҳам бахту омад келтиришини тилаб қолишади.

Сув билан боғлиқ анъаналар **Скандинавия** халқларини ҳам четлаб ўтмаган экан. Байрам кунлари Швеция ва Норвегия аҳли денгизда чўмилишни эзгу амал, деб билишади. Бу билан викингларнинг авлодлари айрим ёқимсиз иллатлардан покланишади ва янги йилни мусаффо орзу-ниятлар билан кутиб олишади.

Янги йил оқшомида **Ирландияга** бориб қолсангиз борми... Бу кун ёпиқ эшиклар очилади, байрам шарофатидан ҳар ким хоҳлаган уйига кириши мумкин. Ирландлар меҳмонни очиқ юз билан кутиб олишади ва турли ширинликлар билан сийлашади. Соат 12.00 га яқинлашиши билан тилаклар билдирилади. Ўйин-кулги, базми жамшид ярим тунгача давом этади.

Грецияда Янги йил тантаналарини янада қизиқроқ ўтказишади. Байрам кечасига таклиф қилинганлар ўзлари билан совға сифатида торт, ичимлик ёки бирор қимматбаҳо буюм эмас... тош олиб боришади. Манзилга етиб келгач, тошни остонадан ўша хонадонга улоқтиришади ва "Уй эгаларининг бойлиги ҳам худди шу тошдек оғир бўлсин", дея ният қилишади.

Германияда ҳам янги йилга ажойиб тарзда қадам қўйишади. Немислар эски йилнинг сўнгги дақиқалари тугаётган пайтда стол, стул ва бошқа жиҳозлар устига чиқиб оладилар ҳамда ўзига хос "усул"да қувончли тилаклар билан янги йилга "сакраб" ўтадилар. Бу рамзий ҳаракатлар эски йилнинг тарихга айлангани, умрнинг яна бир қимматли йили поёнига етганлигини ифодалайди.

Италиянинг айрим ҳудудларида эса янги йил кириб келишидан аввалроқ одамлар уйларидаги буюмларини кўчага олиб чиқиб ташлашади. Бу одат замирида эски йилдаги гинаю араз, ташвишу ғам-қайғу шу буюмлар билан қолиб кетиши, Янги йил, Янги кун, Янги ҳаёт бошланишини ифодаловчи эзгу ниятлар ётади.

Франция жанубида янги йил кунлари аёлларнинг бир-бирини меҳмон қилиш одати бор. Байрам куни булоқдан биринчи бўлиб сув тўлдириб олган бека чашма олдига янги йил дастурхонидан ширинлик қолдиради. Унинг ортидан келган аёл ҳам ширинликни олиб, ўрнига ўзи тайёрлаганини қўяди. Шу тариқа меҳмондорчилик кечгача давом этади.

Буюк Британия болалари ҳам янги йил бошланишини ғаройиб "қилиқлар" билан кутиб олишади. Байрам арафасида оппоқ кийим, ниқоб кийиб олишади ва ота-оналари, дўстларини кўркитишади. Ашаддий тўполончилар ошковоқдан кўз, оғиз-бурун чиқариб, даҳшатли "махлуқ"нинг бошини ясашади ва янада қўрқинчли бўлиши учун қовоқ ичига шам ёқиб қўйишади. Зим-зиё тунда "оғзидан олов пуркаётган махлуқ"ни кўриб, ҳар қандай марднинг ҳам ўтакаси ёрилмай қолмайди. Бу анъана АҚШда ҳам учрайди.

Осиё мамлакати **Бирмада** янги йил апрель ойининг ўрталарига тўғри келади. Байрам мавсумнинг алмашиши — қурғоқчилик тугаб, ёмғирли кунлар бошланишини англатади. Шунинг учун ҳам халқ бу кунни шодиёналар билан кутиб олади. Айём кунлари кўчалар бўйлаб сув тўлдирган идишлар ортилган машиналар инсонларга оби ҳаёт улашади. Кун ботиши билан пойтахтда катта тантана бошланади ва унга шахсан қиролнинг ўзи ташриф буюради. Шунингдек, Бирмада Янги йил куни балиқларни сув ҳавзаларига қўйиб юбориш одати сақланиб қолган. Яъни, бирмаликлар байрамни хайрли, савобли ишлари билан ўтказишни яхши кўришади.

Энг қизиғи, **Россияда** Янги йил оз эмас, кўп эмас, ўн бир маротаба кутиб олинади. Буни ҳудудлар ўртасидаги вақт тафовути билан изоҳлаш мумкин. Масалан, москваликлар тунги соат 12.00 да янги йил кириб келишини кутиб олаётган пайтда, Чукотка вилоятида эски йил якун топганига роппа-роса беш соат тўлган бўлади.

С. САЛИМ тайёрлади

Инсоф

ХАЗИНА ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Латифсухан журналист Юсуфбек Термизий ибратомуз бир воқеани сўзлаб берганида, ҳаммамиз тонг қотдик. Янги йил киришига бир ҳафта қолганида, бир гуруҳ курсдошлар пойтахтдаги Амир Темур хиёбонида тўпланишади. "Овоз"нинг дилкаш мухбири Эркин Холбобо бобомиз пойқадамидан хазина топиб олади. Яъни шу пайтда бирдан аёл зотига мансуб картмонга кўзи тушиб қолади. Ичини очиб қараса...

Юсуф Термизийнинг айтиши бўйича, орадан бироз вақт ўтгач, фарзандини етаклаб олган бир аёл саросимага тушиб, ўғлини уёқ-буёққа югуртираётган экан. Ҳойнаҳой, картмон шу аёлники бўлса керак, деган ўйда Юсуф Эркинбойни огоҳ этади. Эркинбой эса аёлни чақириб, даставвал уни саволга тутади ва барча саволларига аниқ жавоб олгач, картмонни унга тутқазади. Чунки картмондаги паспорт ҳам, калитлар ҳам ва бир пачка ажнабий пул ҳақидаги маълумотлар ҳам аёлнинг лафзи ҳалоллигини тасдиқлабди. Гарчанд пул ажнабийники бўлса-да, соҳибаси Кумушнинг юртидан экан. Аммо аёл ҳам марғилонча иш тутибди — пачкани йиртиб, бир донасини, яъни 100 долларини суюнчи сифатида тутқазган экан, Холбобо рад этибди. "Бизнинг курсдошларимиз ҳисобидан Янги йил дастурхонингизга ишлатинг", дебди.

Бу воқеани эшитган журналист Муфтилло Омон Қовунчи "Воҳ" деб юборди ва қўшимча қилиб: "Эркинбойдан бошқа бўлганида пулни қайтариб бермасди", деди.

Эсиргап БОЛИЕВ

Шоу

ТОМОША ДАВОМ ЭТМОҚДА

2003 йилнинг 27 декабридан бошлаб Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Олтин соз" шўъба корхонаси ҳамда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида азиз болажонлар учун Х. Тошпўлатов асари асосида сахналаштирилган "Дўлтавойнинг саргузаштлари" деб номланган Янги йил шоу-томошаси бўлиб ўтмоқда. Севимли санъаткорларимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Абдусамад Жўрабоев, Исмоил Абдуллаев, Ҳабибулла Абдуллаев ва бошқа бир қатор таниқли актёрлар болажонларнинг қишки таътил кунларида мароқли ҳордиқ чиқаришларига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Дилтортар қўшиқлар ва болажонлар руҳиятига мос келувчи оҳанрабо мусиқа жўрлигидаги сахна асари воқеалари тарбиявий аҳамияти кучлилиги, қизиқарлилиги билан жажжи ёшларни ҳушнуд этмоқда.

2004 йилнинг 10 январига қадар давом этиши мўлжалланаётган "Дўлтавойнинг саргузаштлари" ижодкорларнинг машаққатли меҳнати эвазига вужудга келган ва у болажонларнинг қишки таътилни кўнгилдагидек ўтказишлари учун ўзига хос туҳфа бўлди, дейиш мумкин. Ташкилотчилар болажонларни Янги йил байрами билан қутлаб, томошага чорлаб қолишади.

Шодиёр НОМОЗОВ

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Таҳлил

“Халқ сўзи”нинг ҳақ сўзи

(Бир йил сарҳисоби)

Йилнинг сўнгги куни ҳам етиб келди. Ҳадемай соат 24 даъфа занг чалади-ю, янги йилнинг дастлабки сониялари ҳам тўхтовсиз ўтмишга айлана бошлайди. Ана шундай дамларда ҳар ким ўзи босиб ўтган йўлни, соҳасида амалга оширилган янгиликларни, ютуқ-камчиликларни тошу тарозига солади, хаёлан сарҳисоб қилади. Мамлакатимиз журналистлари йил мобайнида қандай ижод қилдилар? Зиммаларидаги масъулиятли бурчга муносиб фаолият кўрсата олдиларми? Талабчан халқимизга манзур бўладиган газета, журнал чиқара олаяптиларми? Бу борадаги телерадио журналистларимизнинг ютуқлари нималардан иборат?

Бу каби саволларга батафсил жавоб бериш бирмунча мураккаб, албатта. Бинобарин, битта нашр фаолияти мисолида ҳам талай мулоҳазалар айтиш мумкин.

“Халқ сўзи” — мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари орасида тўла маънода етакчи кундалик нашр. Ҳафтада бир ёки икки марта чоп этиладиган газетанинг, мисол учун, йил мобайнида 50-100 сони чиқса, “Халқ сўзи”нинг, мана, бугун 262-сони қўлимизга етиб келиб турибди. Газетанинг ҳар бир сони журналист учун катта имтиҳон деган таъриф газетачиликнинг қора меҳнатини зиммасига олган қалам аҳлининг машаққатини тўлатўкис ифодалаб бера олмайди. Лаганга сузиб келтирилган ошнинг гуручи қандай етилгани, ёғи, суви, намаги жойида ё жойида эмаслигига у ёки бундай деб баҳо беришдан осони йўқ. Лекин оби оташ деганларидек, баъзан асл пазандалар дамлаган ош ҳам бир хилда чиқавермайди. Газета тайёрлаш эса ош дамлашдан кўра анчагина мураккаброқ, серташвишроқ, ғалваларга бойроқ жараён...

Газета кундалик оммавий ахборот воситаси сифатида жамият ва халқ олдида турган энг долзарб муаммолар дунёсида яшайди: ахборот етказади, фикрни шакллантиради, йўналтиради, мулоҳазага ва, албатта, амалий фаолиятга ундайди. Бунинг учун қалам аҳли бор маҳоратини сафарбар этади, сўзининг таъсирчанлигини оширишнинг хилма-хил чораларини излайди. Бу ҳам ўз-ўзидан юз бера қолмайди. Ҳажман йирик ва мазмунан салмоқли ҳар бир мақоланинг ўзига яраша яратилиш тарихи бўлади.

“Халқ сўзи”нинг бир сонида 30-40 тагача катта-кичикликда хабар, мақола, фотосурат чиқади. Мавзу хилма-хил. Албатта, “ассортимент” қанча бой бўлса, харидорга, яъни газетхонга шунча яхши. Чунки унинг учун танлаш имкони ортади. (Афсуски, тўрт ёки олти саҳифалик газеталаримизни хориж матбуотида оддий ҳолатга айланган юзлаб саҳифали газеталарга қиёслаш қийин).

Хуллас, ҳар бир газетхон ўзининг диди, савияси ва қизиқишларидан келиб чиқиб мақола танлайди, қизиққан мавзудаги ахборотни ташналик билан ўқийди. Йил давомида “Халқ сўзи”да эълон қилинган маънавият-маърифат, адабиёт-санъат йўналишидаги мақолаларга умумлашма хулоса ясаладиган бўлса, улар халқимизнинг дунёқарашини бойитиш, диди-савиясини тарбиялаш, ижтимоий-сиёсий нуқтаи назарини, фуқаролик маслакларини энг азиз ва энг улуғ мақсадимиз бўлмиш мустақилликни мустаҳкамлаш йўлига сафарбар этишга хизмат қилади, дейиш мумкин. Иккинчи бир муҳим хулоса шундаки, мана шунинг сингари чиқишлар пировардида яна бир улуғ мақсадга — халқимизни бир маслак-бир мақсад йўлида фикран ва руҳан жипслаштиришга хизмат қилади.

Матбуотда салмоқли мақолалари билан фаол қатнашаётган социология фанлари доктори Мансур Бекмуродов социолог Бобир Каримов билан ҳамкорликда ёзган **“Мисқоллаб йиғиб, ботмонлаб совурманг”** мақоласида халқимиз учун боқий муаммога айланиб қолаётган тўй-маъракалар ўтказишдаги ортиқча сарф-харажатлар мавзусида анчагина мулоҳазаларни ўртага ташлаган. Мақола қизиқарли рақамларга, қиёсларга бой. Мамлакатимиз Раҳбари 1998 йилнинг 28 октябрида эълон қилган Фармони шу маънода ҳам аҳамиятлики, оилавий ва шахсий курсандчилик ва мусибат тадбирларини оммавий дабдаба ва мотам маросимига айлантириб юборши аксарият ҳолларда кишиларимиз тушунчаси, менталитети ва дунёқарашининг салбий кўрсаткичи бўлиб қолмоқда. Матбуотда чиқишлар қилинмоқда, жойларда муҳокамалар ўтказилмоқда, лекин ҳанузгача бу борада таъсирчан ва кўпчиликка мақбул фавқулодда янгича тўй-ҳашам шакл-шамойили яратилмади. Қизиғи шундаки, ортиқча сарф-харажатни, дабдабани деярли барча қоралайди, лекин унга барҳам беришни шахсан зиммасига оладиган мард кам топиляпти. Нима сабабдан?

Сабабнинг эса ҳисоби йўқ... Тилга олинган мақоланинг номланиши кўпроқ ўртаҳол ва амал-тақал тирикчилик ўтказаётган оила вакилларига қаратилгани сезилиб турибди. Назаримда, аксарият муаммолардан сўз очар эканмиз, халқимиз ўртасидаги табақаланишдаги табиий тафовутларни эътибордан соқит қилмасликка тўғри келади. Тўғри, мисқоллаб йиғиб, ботмонлаб совураётганлар бор, бундай ватандошларимизни ортиқча чиранмасликка, яъни кўрпага қараб оёқ узатишга даъват этиш керак, бироқ... ботмонлаб тоза кун тартибига қўяди. Мамлакатимиз Раҳбари вилоят сафарлари чоғида маҳаллий аҳоли вакиллари билан учрашиб, замонавий ва ҳар жиҳатдан қулай турар-жойлар барпо этишга эътибор қаратгани маълум. М. Аҳмаджоновнинг **“Кулиб турадиган уй”** мақоласи айни шу маънода дастлабки салмоқли чиқиш бўлди. Муаллиф ҳақиқатда жиддий маънавий муаммони ўртага ташлаган. Ўзбек пули кўпайса, уй солади, деган гапда жон бор. Кўриб турибмиз, данғиллама турар-жойлар кўпаймоқда. Яқин қайта қуриш даврида остонасига тўртта ғишт ётқизган хонадон эгалари ортиқча ҳашамга берилганликда айбланиб, номи қора рўйхатларга тиркалгани ёдимизда. Энди эса... Турли тадбиркорлик, ишбилармонлик йўллари билан йирик саноат орттирган ватандошларимиз кўпайди. Бундан севиниш керак, албатта. Зеро, халқ орасида бой-бадавлатлар қанча кўпайса, шунча яхши! Илойим, ҳамма шундай уй-жой қуриш имконига эга бўлсин, бу дунёда бола-чақаси кучоғида эминэркин яшасин. Бироқ уй-жой қуриш одоби, эстетикаси ҳам бор. М. Аҳмаджонов бировларнинг топиш-тутишини эмас, ўша топган-тутганларидан оқилона фойдаланиш дурустлигини эслатмоқда. Токи, теварак-атрофдагилар сенинг нафақат топармон-тутармонлигингга, айни чоқда яшаш тарзингга ҳам ҳавас қилсинлар. Бунинг учун эса узоққа боришнинг ҳожати йўқ, халқимизнинг азалий, миллий, анъанавий турар-жой қуриш тажрибаларидан бемалол фойдаланиш мумкин.

Профессор Васила Каримова **“Оила ва спорт”** мақоласида спортни халқнинг генофондини соғломлаштиришнинг муҳим омили эканини ёзади. Спорт нафақат эрмак, нафақат мусобақа, нафақат халқни дунёга танитувчи нодир восита, улардан-да муҳими, оилавий спорт халқнинг ирсиятини соғломлаштирувчи, сифатини оширувчи мўъжизавий қудратга эга эканлигини, афсуски, ҳали кўп тарғиб қилишга тўғри келади.

Замондошларимизнинг, хусусан, ёш авлоднинг маънавий салоҳиятини ошириш омиллари ниҳоятда кўп. Ҳуқуқшунос О. Аббосхўжаевнинг “Халқ сўзи”да босилган туркум мақолалари шўро даврида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида республикамизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш нақадар қалтис вазиятларда амалга оширилганига доир кўпгина очилмаган саҳифалардан ҳикоя қилган. **“Қизил аждаҳо комида ёхуд ривожланган социализм “неъматлари”, “Чин ўзбек иши”, “Марказнинг ғирром ўйинлари”** кейинги йиллар ўзбек публицистикасида воқеа бўлди, десак сира муболаға бўлмайди. Зеро, ушбу мақолалардаги фош этувчи публицистик руҳнинг кучлилиги, муаллиф нуқтаи назарининг пухталиги ва қатъияти, ишонтира олиш маҳорати кўплаб қаламкаш биродарларимизга намуна ва ибрат бўлади.

Бозор муносабатларининг ҳаётимизга ёпирилиб кириб келишининг ижобий жиҳатлари ва унинг табиийлигини қанчалик тан олмайлик, ўйлантирадиган жиҳатлари ҳам тўлиб-тошиб ётганидан кўз юмиш асло мумкин эмас. Бозорий муносабат, бозорий кайфият ва бозор психологияси турмушимизда бўй кўрсатиб турган ўзига яраша моддий қийинчиликлар ва психологик жиҳатдан мослашишнинг мураккаблигига қўшилиб кишиларимизнинг феъл-атворига, яшаш тарзига салбий таъсир ўтказаётгани ҳам сир эмас. Таниқли шоира ва публицист Қутлибека Раҳимбоева **“Бозор болалари”** мақоласида бозор болаларига айланиб қолаётган гўдакларимизнинг тақдиридан қаттиқ қайғуради. “Айниқса, эрта бозорга кириб, турли муомала-муносабатларда юзи очилиб, тили ўткирлашиб кетаётган қизлар тақдиридан ҳам ташвишга тушмай иложимиз йўқ, — деб ёзади муаллиф. — Чунки улар ўзи билан бу об-ҳавони қайсидир оилага олиб кириши мумкин. Ўзи билан фарзандларига ўтказиши мумкин. Баъзан бу бети очиқлик уларнинг бахтига ҳам тўсиқ бўлади”.

“Бети очиқлик” жумласига эътибор бердингизми? Бу жумла замиридаги даҳшатли маъно-мазмунни бошқа бирор тилга тугал таржима қилиш мумкинми-йўқми, билмадим! Ахир шу бир оғизгина жумлага жо бўлган маъно бутун бир халқ ор-номусини, орияти ва маънавий разолатини ифода этган, десак муболаға бўлмас. Бети очиқлик андишасизликнинг уруғдони, сурбетликнинг пойдевори! Бу иллат айрим аёл-қизнигина эмас, агар у оммавий тус оладиган бўлса, бутун бир халқ тақдирини ҳал қилиб қўйиши ҳеч гап эмас! Бети очиқлик маънавий СПИДнинг ўзгинаси!.. Академик Салоҳиддин Мамажонов бети очиқлик “феноменин”нига халқимизнинг УЯТ деган буюк, муқаддас сўзи орқали курашиш мумкинлигини эслатади. Олим (**“Уят”** мақоласида) уятни “Жамиятимизни бало-қазодан сақлайдиган буюк посбон” деб ҳисоблайди. Устоз адабиётшунос Иброҳим Ғафуров эса **“Ҳаё — халоскор”** дея бонг уради. “Уят”, “шарманда” сўзларининг келиб чиқишига тўхталиб, бундай гўзал туйғулар ифодаси Аристотелнинг “Никомах этикаси” асарида учрашини, демак, бу каби туйғулар ҳали-ҳануз ўз оҳорини йўқотмаганини таъкидлайди. Уятсизлик — ялғончлик, таассуфлар бўлсинким, жуда кўп қадриятлар, тушунчалар ялғончлашиб кетяпти. Парда кўтарилмоқда. Энг даҳшатлиси, бепардалик уят саналмай қўймоқда. Алдамчилик, кўзбўямачилик, товламачилик сингари иллатларнинг очиқдан-очиқ тус олиши, буларга халқимиз тийнатидаги гавҳар туйғуларни тўғаноқ қилиб қўя билмаслик оқибати аянчли оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясида муҳтарам Президентимиз эркинлашаётган жамиятда қуйидан юқоригача барча жабҳа ва поғона кенг жамоатчилик назорати остида бўлиши зарурлигини, бу борада ОАВ зиммасига катта масъулият юкланишини алоҳида таъкидлаган эди. 2003 йилнинг 18 июль куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисдаги маърузада ҳам давлатимиз Раҳбари назорат хизмати хусусида алоҳида тўхталди. Жамиятда назорат тизими яратилишининг зарурлиги ҳақида сўз борганда муҳтарам юртбошимизнинг уят, ор-номус, диёнат, ҳаё, иффат, андиша сингари кўплаб соф ўзбекона фазилатларни асраб-авайлашга қайта-қайта даъват этишларида пухта мантиқий асос борлиги кўринади. Чунки чин маънодаги назорат одамнинг ичидан — ҳозиргина санаб ўтилган миллий фазилатларимиз гавҳарлари томонидан амалга оширилади. Мана шу ботиний-одобий посбонлар заифлашган жойда зоҳирий назорат кўпда самара бермайди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов **“Инсоф”** (шунингдек, “Ўзбекистон овози”да босилган **“Андиша”**) мақоласида шу номдаги миллий-маънавий қўриқчимизнинг аҳамиятини кўплаб мисолларда кўрсатган. Маърифатпарвар олим Султонмурод Олим **(“Шарқона маънавият”** мақоласида) Шарқ ва Ғарб маънавиятининг ғоятда нозик қирраларини ҳаётий вазиятлар мисолида таърифлаган. Адабиётшунос Иброҳим Ғафуров бошқа бир мақоласида **(“Адолат ва инсонийлик мезонлари”)** жамиятнинг бутунлигини, софлигини адолат кучи ёрдамида сақлаш мумкинлигини катта донишмандлик билан тадқиқ этади. Одамзот жамоа-жамоа бўлиб яшай бошлаган кезлардаёқ жамоани бирлаштирувчи ҳам, тўзитиб юборувчи амал ҳам битта — “бўл”, яъни “бўлмоқ” тушунчасига боғлиқ бўлган. Муаллиф айтмоқчики, жамоа раҳбари овда қўлга киритилган ўлжани жамоа аҳли ўртасида тенг тақсимлаган. Акс ҳолда адолатсизлик юз бериб, бунинг оқибатида парокандалик келиб чиққан. Умуман олганда, адолат ниҳоятда кенг тушунча, ҳатто қонун, қонуний ҳукм ҳам адолат тушунчасининг муҳим бир қирраси, холос.

Биз дурдона миллий қадриятларимиз ҳақида қайғурар эканмиз, масаланинг янада аҳамиятга эга жиҳатини рўёбга чиқаришимизда қийинчилик сезилаётгандек туюлади. Гап шундаки, ҳар қандай гўзал фазилат айрим кишиларнинг ахлоқ-одобини безаб турувчи мушки анбар бўлибгина қолмай, у халқнинг, жамиятнинг маънавий безагига айланишига эришиш йўлларини топмоғимиз муҳим. Адолат, инсоф, ростгўйлик жамиятни бошқарувчи, унинг бутлигини сақловчи маънавий кучга айланган тақдирдагина Президент айтаётган, кўплаб зиёлиларимиз талқин ва тадқиқ этаётган мақомларга кўтариламиз. Конституциявий суд раиси, атоқли ҳуқуқшунос Бўритош Мустафоев **“Асосий мезон: инсон ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш”** мақоласида одил судловнинг транспарентлиги, яъни очиқлиги деган халқаро ҳужжатларда учрайдиган талабга ўринли изоҳ беради. Мазкур ибора, гарчи кўпроқ судлов тизимига нисбатан қўлланилса-да, очиқлик, ошкоралик ва эркинлик жамиятда умумадолатни қарор топтирувчи маънодош сўзлардек жаранглайди.

Газетада эълон қилинган Абдуазимхўжа Шерзодхўжа ўғлининг **“Миллат руҳига садоқат”,** Муҳаммаджон Қуроновнинг **“Ўзбек характери ва фуқаролик жамияти”, “Жасорат”,** Бойбўта Дўстқораевнинг **“Юлдуз бенарвон урилмайди”,** Ғаффор Ҳотамовнинг **“Тупроғида ҳикмат гуллаган юрт”,** Ашурали Жўраевнинг **“Танқид зарби”, “Кулги — руҳий покланиш”, “Ҳожибой Тожибоев — “Жаҳон кулгиси”да эътироф этилди”,** Раҳмон Қўчқорнинг **“Виждон”,** Муртазо Қаршибоевнинг **“Мусулмонлик — эзгу фазилатлар мужассами”** сингари ўнлаб мақолаларида ҳам замондошларимиз маънавий дунёсини бойитишнинг озмунча муаммоларидан сўз юритилмаган! Фақат шу ўринда жуда жиддий ва андек аччиқ савол туғилади: нима сабабдан шу қадар муҳимдан-муҳим мавзулар, муаммоларга доир қимматли фикр-мулоҳазалар кенг жамоатчилик, қолаверса, кенг газетхонлар оммаси томонидан қизғин баҳс-мунозараларга айланиб кетмаяпти? Нима сабабдан фикрдан — фикр, мулоҳазадан — мулоҳаза куч-қувват олмаяпти? Ахир уларнинг бари халқимизнинг кўнглида, дилида ва тилининг учида тўпланиб ётган ҳақ сўзлар эмасми?!

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон **“Кутубхоналар кўп... Китоблар-чи?”** мақоласида жўн муаммони ўртага ташламади. Боқий устоз — китоб, адабиёт, мутолаа, дарслик, кутубхона борасидаги камчиликлар ҳаммамизнинг дардимиз, ташвишимиз-ку!

Мамлакатимизда давлат тили ҳақида қонун қабул қилинган кун муносабати билан Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг **“Она тилим”** деб номланган бир саҳифалик гўзал мақоласи чоп этилди. Жиддий тайёргарлик кўриб ёзилган мазкур мақола-эссе адабий-маърифий жамоатчилигимизни мудроқ уйқудан уйғотиб юборди. Унга муносабат тариқасида чиқишлар кўпайди ва... Давлат тили фақат қонун қабул қилинган кун ёки айрим мақола муносабати билангина эсга олинадиган муаммо эмас. У ҳар куни, ҳар бир иш соатимизда, уйимизу кўчамизда амалга оширишимиз зарур бўлган ғоятда серқирра, серқатлам маънавий мулк! Тилимизнинг тақдири мустақиллик шарофати билангина ўз қўлимизга ўтди, демак, тақдиримиз ҳам ўз қўлимизда. Фақат унга донолик, зукколик ва доимий бедор муносабат тўхтовсиз шакланмоғи зарур. “Содда қилиб айтганда, шуни яхши тушуниб олиш керакки, — деди Президент И. Каримов Конституциямиз қабул қилинганининг 11 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги нутқида, — ютғимиз ҳам, камчиликимиз ҳам фақат ўзимизники. Бу камчиликларнинг, ҳаётимизда ҳамон учраётган қийинчилик ва етишмовчиликларнинг пайдо бўлишига, аввало, ўзимиз сабабчимиз ва уларни бартараф этиш учун ҳам ўзимиз жавобгармиз”.

... Ҳадемай соат 24 даъфа занг чалади-ю, XXI аср тўртинчи йилининг дастлабки сониялари ҳам ўтмишга айлана бошлайди. Вақтни тутиб қолувчи куч йўқ. Янги йил нашрларимиздан, тиниб-тинчимас журналистларимиздан янги куч, янги ғайрат, янгича илҳом ва маҳорат талаб қилади. Бундай талаблар даражасига кўтарилиш учун эса ҳар бир газета-журналда, радио-телетўлқинларида ўтган йили эришилган ютуқларни холис сарҳисоб қилсак, уларга муносиб баҳо бериб, ижобий тажрибаларни давом эттирсак, умумишимизнинг самараси янада унумли бўлур эди.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси

Сўров

БИР САВОЛ ОРТИДА...

Янги йил баҳона бир қанча юртдошларимизга: **“Тасаввур қилинг, қўлингизда сеҳрли ўчирғич бор. У билан жамоатчилик орасида сизга ёқмайдиган қайси ҳолатни ўчириб ташлардингиз?”**, деган савол билан мурожаат қилдик.

Озод ШАРАФИДДИНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Инсон эркига халақит берувчи, унинг ички имкониятларини юзага чиқаришга ва ижодий қувватларнинг парвозига тўсиқ бўладиган нимаики бўлса, ўчириб ташлаган бўлардим.

Нажмиддин КОМИЛОВ, профессор:

— Инсонлар орасида учраб турувчи кам меҳнат қилиб, кўп нарса талаб қилиш одатини ва яна истеъдоди бўлмай туриб ўзини истеъдодли қилиб кўрсатиш ҳолатларини ўчирган бўлардим. Чунки бу нарса жамият ривожига халақит беради, нафақат ўзини, бошқаларни ҳам алдашга олиб келади...

Дилафрўз ЭГАМБЕРДИЕВА, талаба:

— Сеҳрли ўчирғич қўлимга тушиб қолганида, барча олий-гоҳлардаги **зерикарли маърузаларни** ўчириб ташлардим.

Беҳзод ФАЗЛИДДИНОВ, талаба:

— Инсонлар кўнглидаги жамики ёвуз ниятларни ўчирган бўлардим.

Мавлуда ИСЛОМОВА, уй бекаси:

— Биринчи навбатда **меҳр-оқибатсизликни** ва **ҳаёсизликни** ўчирган бўлардим. Назаримда, кейинги пайтларда ўғилнинг отага оқибатсизлиги ёки бўлмаса кўча-кўйда учрайдиган ҳаёсизлик ҳисобланган ҳолатларни ҳам гўёки табиийдек қабул қилаётгандекмиз. Аслида эса бу нақадар аянчли ва юракни эзадиган ҳолатдир.

Амирқул КАРИМОВ, журналист:

— Бошқа бир вазиятда бу саволга **“эътиқодсизликни”** деб жавоб берган бўлардим. Бироқ ҳозир дунёга — гоҳида эътиқодлар ўртасидаги шафқатсиз курашга боқиб, **“шафқатсизлик”** сўзини ўчиришга қарор қилдим. Шахсий манфаат йўлидаги ана шундай шафқатсизлик биздаги инсонийлик фазилатларини маҳв этаётгандек. “Дунёни гўзаллик қутқаради”, деган ҳикматда ҳам ана шу шафқат зарурати таъкидланган-дек, назаримда. Зеро, шафқат, меҳр-мурувват йўқ жойда гўзаллик ҳам йўқ.

Дунёда шундай вазият ҳукмрон бўлган бир пайтда Ўзбекистонимизда янги — 2004 йилнинг “Меҳр ва мурувват йили” деб эълон қилиниши кишини қувонтиради. Бир-биримизга меҳрли, мурувватли, шафқатли бўлишимиз Аллоҳ мукаррам қилиб яратган мавжудотлар саркори инсон қадрини янада юксалтиришга аминман.

Валижон ШАМШИЕВ, қизиқчи:

— **Ўзининг кимлигини англаб етмаган инсонларни** ўчирган бўлардим. Баъзида кимлардир “Мен фалончиман”, “Мана шундай ишларни қила оламан”, деб ўзига бино қўяди. Аслида эса улар ҳеч ким эмас. Оддийгина инсон. Ўйлайманки, ўзини англаб етган инсонларнинг, албатта, жамиятимизга фойдаси тегади.

Иноят УБАЙДУЛЛАЕВА, тадқиқотчи:

— **Тақвосизликни.** Абулҳасан Ҳарақоний ҳазратлари: “Улуғ Аллоҳ сизни дунёга пок келтирди, сиз Унинг ҳузурига палид ҳолатда борманг”, дейдилар. Инсондаги барча ёмон ҳолатлар уни ҳалокатга етаклайди... Қуръони каримнинг Шамс сураси 9-ояти (мазмуни)да айтиладики: “Дарҳақиқат уни (яъни ўз нафсини-жонини иймон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди”.

Аҳмад ШОДИЕВ, ўқитувчи:

— Аввало, ота-оналардаги фарзанд тарбиясига **лоқайдлик** билан қараш одатини ўчириб ташлаган бўлардим.

Нуриддин ҲАЙДАРОВ, хонанда:

— Биз учун энг кераги тинчлик. Шундай экан, мен бундай имконият бўлганида **тинчликка қарши ҳар қандай ҳаракатни** ўчириб ташлаган бўлардим.

Жаҳонгир НАҲАНОВ, тележурналист:

— Аввало, **порахўрликни** ўчирган бўлардим. Сабаби, жамиятимиздаги кўпгина иллатларнинг илдизи айнан ана шу иллат замирида томир отмоқда, деб ўйлайман.

ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети 3-босқич талабаси Зебо НАМОЗОВА тайёрлади

Янгилик

ҲАЙДОВЧИ ҚОРБОБО, ЧИПТАЧИ ҚОРҚИЗ БЎЛДИ

“Тошшаҳарйўловчитранс” корхонасига қарашли 8-автобус саройи 51-автобус йўналишидаги ҳайдовчилар кечадан бошлаб иш либосларини ўзгартиришди. Янги йил муносабати билан ҳайдовчилар Қорбобо, чиптачилар қорқиз бўлиб ишлай бошлашди. Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, бу янгилик йўловчиларга яхши кайфият пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бундан йўловчилар мамнун.

МУХБИРИМИЗ

Ҳуқуқ

ЖАЗОДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТ

ёхуд ўқилган ҳукмга илова

Суд залини тўлдириб ўтирган одамлар сукут сақлаб эълон қилинажак ҳукмни эшитишга шайланишди. Пашша учса эшитгудай осойишталик чўкди.

“Ҳукм. Ўзбекистон Республикаси номидан... Собиров Темур Алишерович, Бережнов Виталий Игорьевич ва Афанасьев Олег Александровичлар ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини эгаллаш учун боскинчилик қилганликлари учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 164-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин. Т. Собиров етти йил, В. Бережнов саккиз йил, О. Афанасьев ўн икки йил муддатга озодликдан маҳрум этилсинлар”.

Мазкур ҳукм эндиликда қонуний кучга кирган, демак, жиноят тафсилотлари, уларни содир қилган кимсалар ҳақида бемалол ёзсак, фикр юритсак ҳам бўлади.

“Кўр кўрни қоронғида топади”, деб бежиз айтишмаган эканлар. Ўша куни Андижон вилояти марказида яшовчи вояга етмаганлар Тимур ва Виталий ҳамда Олеглар “Меҳнат биржаси” биноси яқинида учрашишди. Учрашув жойи бежиз танланмаган эди. Уларнинг ҳеч бири ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдилар... Учрашув жойидан ўн қадам нарида йўловчиларни ташиш учун турнақатор бўлиб тизилиб турган шахсий автомашиналарга назар ташлар эканлар, Тимурнинг боскинчилик билан мулкка эгалик қилиш ҳақидаги таклифи қолганларга маъқул тушди. Якдиллик билан келишувга эришилди. Атрофни чулғаб олган қоронғилик ҳам уларни қўллаб-қувватлагандай эди гўё...

“Tico” русумли 17J 52 64 давлат белгили автомашина ҳайдовчиси Исмоил Қўчқоров ҳеч нарсадан шубҳаланмасдан, Тимур ва унинг шериклари-нинг 800 сўм эвазига иккинчи Андижон темир йўл бекатига олиб бориб қўйиш ҳақидаги таклифларига рози бўлганида, бу йигитлар унга нисбатан қандай даҳшатли режа тузиб қўйишганлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Чунки ташқаридан қараганда, унинг машинасига ўтирган учала йигитнинг бошқалардан фарқ қиладиган бирор белгилари йўқ эди-да.

Машина кўзланган манзил томон ҳаракатланиб, шаҳарнинг ҳеч ким кўринмаган Ербоши кўчасига келганида, йўловчилар ғимирлаб қолишди. Орқа ўриндиқда — ҳайдовчининг орқасида ўтирган Виталий қўллари билан унинг бўйнидан қаттиқ қисиб, томоғига пичоқни тираганда ўткир тиғ Исмоилнинг бўйни ва томоғини кесганидан сўнг ҳайдовчи йўловчиларнинг ниятини фаҳмлаб етди, сўнг бор кучини тўплаб, ўзини бир оз бўшатиб, эшикни очади ва юриб бораётган машинадан ўзини пастга ташлади...

Бошқарувни йўқотган машина секинлаб йўл четида тўхтаб қолгач, рулга Олег ўтирди, аммо унинг машина бошқаришга уқуви етишмади чоғи, кўп юрмай йўл четидаги дарахтга урилди...

Йўловчи машинани тўхтатиб, бу жойга етиб келган Исмоил “Tico”сини дарахтга уриб пачоқланган ҳолатда кўрди. Аммо унга ҳужум қилганлар аллақачон кетиб бўлишганди. Кейинчалик тайинлаб ўтказилган суд товаршунослик экспертизаси машинага икки миллион саккиз юз минг сўмлик моддий зарар етказилганлигини аниқлайди.

Тезкор-қидирув ҳаракатлари бошланди. Зудлик билан кўрилган тегишли тадбирлар натижасида бир неча кун ичида ушбу ўта оғир жиноятни Тимур, Виталий ва Олеглар содир этгани аниқланиб, кўлга олиндилар.

Суд тергови мобайнида уларнинг юқорида баён этилган машъум жиноятни содир қилганликлари яна бир карра ўз исботини топди.

Суд Тимур ва Виталийларнинг вояга етмаганликлари (жиноят содир қилган вақтда улар ўн олти ёшда бўлганлар), муқаддам судланмаганликларини инобатга олган ҳолда, Олегнинг ушбу жиноятни содир қилишдаги фаоллигини ҳисобга олган ҳолда жазо чорасини белгилади.

Ушбу фожиавий ҳолат шу тариқа ниҳоясига етди.

Аммо барчага ҳамми? Томоғи ва бўйнидан жароҳат олган, тасодифий мўъжиза билангина ҳаёти сақланиб қолган, автомашинасига етказилган жуда кўп миқдордаги моддий зарарнинг ярмигина қопланган жабрланувчи Исмоил Қўчқоров учун якунланган деб ҳисоблаш мумкинмикан? Ҳаётининг бир қанча йилларини озодликдан маҳрум этиш жойларида ўтказадиган Собиров Тимур, Бережнов Виталий, Афанасьев Олеглар учун-чи? Фарзандларидан бундай жиноятни кутмаганликларини таъкидлаб, тинимсиз гапириб келган ота-оналар учун-чи?

А. МАННОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Олтинкўл тумани судининг раиси

Муҳтарам Юртбошимизни, бутун республикамиз халқини Янги, 2004 йил билан жамоамиз аҳли номидан қизғин табриклайман.

Янги йил мустақил Ўзбекистонимизда жадал амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар тарихида янаям ҳаётбахш ва қувонарли из қолдиришига ишонамиз. Аллоҳ ҳар биримизнинг хонадонимизга мунавварлик ато этсин, бунёдкорлик ишларимиз янаям ривож топсин. Бахту омад, тинчлик-омонлик, тан-сиҳатлик йўлдошимиз бўлишига тилакдошмиз.

Раҳматулла ҳожи КАМОЛОВ,
Фарғона вилоят Тошлоқ туманидаги “КамРаҳ” фермер хўжалиги бошлиғи.

«O'ZMEVASABZAVOTUZUMSANOAT-XOLDING»

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг»
Сиз азизларни кириб келаётган
ЯНГИ 2004 ЙИЛ БИЛАН
муборакбод этади.

Илойим, янги йилингиз қут-баракали келсин. Серқуёш юртимизнинг сархил меваларидан тайёрланган «Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг» маҳсулотлари дастурхонингизнинг кўрки бўлсин.

«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ ХОЛДИНГ»

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Фаолият

ИСТЕЪДОДНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Ўзбек романчилиги ҳақида фикр юритганимизда, аввало, Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи кўз ўнгимизда гавдаланади. Чунки "Ўтган кунлар" романи ёзувчининг ўзи таъриф берганидек, "Тарихимизнинг энг кирлик қора кунлари, юртни мустамлака балосиға гирифтор этган хон замонлари" акс эттирилган бўлса ҳам, асар бадиий жозибадорлиги билан ҳар бир ўзбек кишисининг қалбидан жой ола билган, юрагига илиқлик кирита олган ягона асардир. Қодирийнинг ана шундай бадиий маҳоратини илмий изоҳлаб берган юксак истеъдод соҳиби, адабиётшунос олим Собир ака Мирвалиевдир.

Олим ва моҳир педагог Собир аканинг машаққатли ва шарафли ижод йўли ҳақида қалбимизда жо бўлган самимий фикрларни билдириш биз шогирдларнинг бурчимиздир.

Жуссаси кичикроқ бўлгани билан ғайрати жўш уриб турган, фикри теран Собир Мирвалиев ёшлигиданоқ илм олишга, зиё тарқатишга интилган инсонлардан бири. Шу сабабли бўлса керак, олий ўқув юртида таҳсил олган давридаёқ Мақсуд Шайхзода, Ойбек каби улуғ сиймолар назарига тушди.

Улардан илм ва ижод сирларини ўрганди. Айниқса, улардаги бағрикенглик, келажакка қатъий ишонч туйғулари домланинг қалбида илмга бўлган меҳр ҳиссини уйғотди.

Педагоглик касбини шараф деб билган домла умрининг ҳар бир дақиқасини ёшларсиз тасаввур эта олмайди. Ана шундан бўлса керак, Собир Мирвалиев 1974 йилдан буён Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтида талабаларга XX аср ўзбек адабиёти ва адабий жараён ҳақида илмий маърузалар қилиб келмоқда.

Олим "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедрасига раҳбарлик қилган даврларда академик Азиз Қаюмов билан ҳамкорликда жуда катта услубий ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, она тили ва адабиёти фанлари ҳар қандай миллий маданиятнинг асосини ташкил этиши, филологик билимларсиз етук маданият ҳодими етишиб чиқмаслиги амалда исботланди.

Ўзи эса ҳаммага ибрат бўла оладиган, ёшларнинг маънавий етук бўлишига ёрдам берадиган асарлар яратишга ҳаракат қилди. Натижада "Ўзбек романи", "Ҳаёт ва кураш поэзияси", "Наср, давр ва қаҳрамон", "Адабиёт — давр қаҳрамони", "Роман ва замон", "Истеъдоднинг қўш қаноти" номли асарлари дунёга келди. Олимнинг адабиётимиз равнақи учун бир неча тадқиқотларга илмий раҳбарлик қилиши ҳам таҳсинга сазовордир.

Яқинда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 21 ноябрь сонида олимнинг "Аё, чарх этдинг ортиқ жабр бунёд" номли илмий мақоласи эълон қилинди. Бу мақолада Қодирийнинг шеърияти ҳақида мушоҳада юритилади. Демак, А. Қодирий нафақат прозада, балки поэзияда ҳам ғоявий-бадиий жиҳатдан етук, шакл ва мазмун жиҳатдан пухта шеърлар ёза олганлигини илмий талқин этади.

Бу билан олим Қодирий ижодининг яна бир чўққисини кашф этгандек туюлади китобхонга.

С. Мирвалиев мақоласида шундай жумлаларни келтирган: **"А. Қодирий шоир сифатида ҳаммаси бўлиб 112 мисра шеър яратган бўлса, насрий асарларида икки баравар кўп учрайди. Улар теран мазмуни, юксак бадияти билан алоҳида ажралиб туради".**

Шу ўринда келтирилган қуйидаги мисол фикримизни исботлайди:

Аё, чарх, этдинг ортиқ жабр бунёд,
Кўзим ёшлиғ, тилимда қолди фарёд.
Ҳаётим лолазоридин аюрдинг,
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг.

Бу тўртлик мунгли, таъсирли, сирли бўлганидан фақат Отабек ҳолати, руҳиятинигина эмас, бутун асар моҳиятини очишга хизмат қилган. Мана шу илмий талқин олимнинг юксак истеъдод эгаси эканлигидан далолатдир. Домла Қодирийдек улуғ сиймонинг шеърияти билан ўқувчиларни яқиндан таништирар экан, ёзувчининг шоир сифатидаги бадиий салоҳияти юксак даражада эканлиги, улкан шеърий мероси борлигидан барча илм аҳлини хабардор этгандек туюлади.

"Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, адабиётшунос олим Собир Мирвалиев ўзларининг илм соҳасидаги ишларига камтарона баҳо бериб, шундай фикрларни айтади: **"Адабиёт ҳар қандай маданиятнинг асоси, адабиётсиз миллий тараққиёт бўлиши мумкин эмас".**

Ҳа, албатта, адабиёт сўз санъатидир.

Равшан НОМОЗОВ,
А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси мудири, доцент,
Собира ЖЎРАЕВА,
"Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси катта ўқитувчиси

Удум

КОКИЛДАН ХОХОЛГАЧА

Туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда инсон сочига алоҳида ҳурмат билан қаралади. Уни ҳамма жойда ҳам олавермайдилар, оёқ остига тўкмайдилар ва босмайдилар.

Маълумки, Исломгача бўлган минг йилликларда туркий халқларнинг аёллари билан бир қаторда эркакларида ҳам кокиллар бўлган. Эркакларнинг кокил қўйиб юришлари айрим вақтлар мажбурий, баъзи даврларда ихтиёрий бўлган. Айтайлик, мўғул истилочилари Исломга кириб кокил қўймай қўйган Марказий Осиё халқларига кокил қўйишни мажбурий тусга айлантиришга уринган.

Осиё халқлари, шу жумладан, қадимий мўғуллар душманини енгганда, унинг калласини, бош суягининг терисини сочлари билан кесиб олиб, ўз ғалабасини намоён қилган. Бу ўринда қадимий боболаримизда инсоннинг руҳи унинг боши, юраги, ўпкаси ва сочида жойлашганлиги тўғрисида тасаввур бўлганлигини айтиш лозим. Ушбу ақидадан келиб чиқиб, аскар ўз душманининг мана шу тўрт аъзосидан бирини қўлга киритса, у рақибнинг руҳини ҳам енган ҳисобланган. Шунинг учун аскарнинг ўз сочини, кокилини йўқотиши ниҳоятда катта айб ва уят саналган. Асирга тушган аскарларнинг сочини олиб ташлаш айни таққирлаш маъносида қилинган. Ҳозиргача махбуснинг биринчи ўринда сочини олдириб ташлаш тарихи ҳам мана шу ҳаракатлар билан боғлиқ бўлса керак.

Аслида эркакларнинг кокил тарихи жуда қадимга бориб тақалади. Биз бугунги кунда буни турли соч турмаклаш шакллари акс этган баъзи миниатюраларда, тасвирий санъат намуналарида кўрамиз. Буларнинг орасида диққатга сазоворлари Сўғд, Марказий Осиё, Туркистон, Хитой, Форс, Мўғул тасвирий санъат намуналарида яққол учрайди. Қизиғи шундаки, ҳозирги замонавий соч турмаклаш турлари қадимдан маълум бўлиши билан бир қаторда уларнинг номлари ҳам қолган. Айтайлик, қирққокил, қўшкокил, бир тугун, гажак, манглайпеш ва бошқалар.

Шу ўринда кокил сўзига алоҳида тўхталсак. Бу сўз турли туркий халқлар тилида бироз ўзгартирилиброқ талаффуз қилинишига қарамай, **кокил, кўкал, кўкел, хухел, гугул, хухул ва ҳатто украин, рус тилларида хохол** шаклигача ҳам бориб етган бўлиб, асосан бошнинг олд орқа ёки пасти қирқилмай қолдирилган сочга айтилган. Кокилнинг бошдаги ўрни турли пайтларда ўзгариб турган. Кокиллар ҳақида шоирларнинг ажойиб ташбеҳ ва ўхшатишлари борлиги ҳам маълум. Нутқимизда баъзан ишлатиладиган кўкалдош атамасининг келиб чиқиши ҳам кокил сўзи билан боғлиқ. Яъни дастлаб кокилдош тарзида қўлланган сўз кейинроқ кўкалдошга айланган ва маъно бойлиги ўзгарган. Кўкалдош сўзи бегона бўлса ҳам бир онанинг кўкрагидан сут эмишган ва қондош-қариндошга айланган икки инсонни билдиради.

Қадимда кўкалдошлаштириш маросими ўта тантанали равишда ўтказилган. Бу маросим бирон гўдак қай бир фожеа сабабли онасиз қолганда ёки атайлаб қариндошлаштириш мақсадида ўтказилган. Маросимда икки гўдак бир онани эмаётганда, уларнинг кокиллари бир-бирига рамзий боғланган ва шу орқали руҳий бирлик ўрнатилган. Шундан кейин бу гўдаклар қондош-қариндошга айланишган. Катталар орасида қариндошга айланиш маросими мўғул, бурят, тува, қалмиқ ва бошқа туркий халқларда ҳам бўлган. Шу жумладан, биз ўзбекларда бу маросим бироз бошқачароқ ўтган ва у "анда" тушунчаси билан боғлиқ. Андалашиш учун дўстлашмоқчи бўлган икки киши бармоқларидан қон чиқариб, бир-бирига қўшганлар ва кейин қариндош-андаларга айланганлар. Айнан шу қон қўшилиш маъносида бизда куда-анда сўзи ишлатилади.

Даврлар ўтиши билан кўкалдошлар ва андалар орасида турмуш қуриш ман қилинган.

Ҳолан, мўғулларга тили, урф-одатлари билан ўта яқин бўлган бурят халқи вакилларининг бири хонадонида шу ёш боланинг соч тўйида қатнашганман ва маросимнинг тарихи билан қизиққанимда, улар шуни сўзлаб беришган эди.

Бурятларнинг урф-одатлари баъзи-баъзи нарсаларда қисман фарқ қилмаса, Қолмиқ мўғулларникидан умуман фарқ қилмас ва батамом ўхшар экан. Бурятларда ҳам соч тўйи маросими, уларнинг айтишича, мўғулларникидан фарқи йўқ экан.

Мўғуллар бу маросимни ўғил бола 3 ёки 5 ёшга, қизлар эса 2, 4 ёки 6 ёшга етганида ўтказишар экан. Ҳозирги бурятлар эса алоҳида бола ёшига эътибор бермай қўйишган экан. Қариндошуруғлар маросим пайтида йиғилиб тўйболага совғалар бериб, бу совғалар ота томон ва она томон қариндошлари орасида мусобақадай шўх бир тус олиб ўтар экан.

Бевосита маросимни биринчи бўлиб тўйболанинг буваси очиб, ўз совғасини эълон қилар ва тўйболанинг туғилмиш сочига ширин гаплар билан қайчи урар экан. Навбат тўйболанинг она томонига берилиб, энди унинг онасининг отаси ўз совғасини эълон қилар ва набирасининг сочига қайчи урар экан. Шундай қилиб, қариндошлар ўз мавқеи, поғонасига қараб навбатма-навбат тўйболага совға берар ва унинг сочига қайчи уришар экан.

Мен ўша танишларим бўлмиш бурятлар оиласида мана шу қадимий маросимни айнан шу кўринишда кўрганман. Айтиш лозимки, ўзимизда ҳам бўлган ва айни пайтда жуда ҳам сусайиб кетган болаларга жанговар руҳ берувчи қадимий ва асл туркона удумимизни, болаларимизнинг тўйсочини бирқадар яхши анъана сифатида тиклаб сак, ёмон бўлмас эди.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
психология фанлари номзоди

Хабар

POYTAXT TRANSPORTI
Yo'lingiz ravon, manzilingiz yaqin bo'lsin
«TOSHSHAHARYO'LOVCHITRANS» DAVLAT UYUSHMASINING HAFTANOMASI

"Тошшаҳарйўловчитранс" акциядорлик компаниясининг нашри бўлган "Мотор" газетаси янги йилдан бошлаб "Пойтахт транспорти" номи билан чиқа бошлайди. Мухбиримиз ана шу газета Бош муҳаррири Мансур Алиевга бир неча савол билан мурожаат қилди.

ГАЗЕТА НОМИ АЛМАШДИ

— Ҳозир қайси газета билан учрашманг, саломаликдан кейин "Обуна қанча бўлди?" деб сўрайдиган одат чиқарган. Биз ҳам ана шу "тамойил"ни бузмасликка қарор қилдик.

— Обунамиз ёмон эмас. Ўтган йилдагидан 1000 тага кўпайдик. Охирлаётган йилда мунтазам равишда 9400 га чиққан бўлсак, 2004 йилда 11 мингга яқинлашамиз.

— Кўпайганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Чунки жуда кўп нашрларнинг обунасида пасайиш ҳолати сезилмоқда.

— Энг аввало, газетамиз саккиз саҳифа бўлиб чиқа бошлади. Бундан ташқари, "Тошшаҳарйўловчитранс" ҳаётидан ташқари маданий-маърифий бадиий мавзуларга кўпроқ эътибор бера бошладик. Махсус саҳифалар ҳам чиқараяпмиз. Ундан кейин жорий йилда танқидий-таҳлилий материаллар салмоғини ҳам хийла кўтардик. Яна бир сабаби шундаки, биз ўзимизнинг теледастурдан ташқари, Россия теледастурларини ҳам тўлиқ берамиз. Россия теледастурлари бир оз қиммат бўлгани учун биласиз, уни ҳамма газеталар ҳам бера олмайди. Яна бир энг муҳим сабаби газетани "Тошшаҳарйўловчитранс"нинг биринчи раҳбари қолдирмай ўқиб боради, таклиф ва мулоҳазаларини ҳам айтиб туради.

— Газета номини ўзгартиришнинг ташаббускори куйидан бўлдими ёки юқоридан?

— Газета мухлислари таклиф қилди, юқори томон уни сўзсиз қўллаб-қувватлади. Қолаверса, бунга табиий жараён сифатида қараш керак. Қарашлар, фикрлар ўзгаряпти, янгиланяпти. Мен буни кўпроқ ана шуларнинг маҳсули, деб биламан.

«МУЛОҚОТ»да мулоқот

Яқинда Қарши шаҳрида Очиқ Жамият Институти — Кўмак Жамғармаси — Ўзбекистон ваколатхонаси ҳамда "Мулоқот клуби" нодавлат-нотижорат ташкилоти ҳамкорлигидаги "Мулоқот" журналистлар клуби лойиҳаси дастури доирасида "Миллий журналистика ва халқаро мезонлар" мавзуида семинар ўтказилди.

Семинарда асосий эътибор мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш, миллий журналистикамизни шакллантириш жараёни кечаётган бугунги кунда дунё журналистикаси тажрибаларини ўрганиш, тайёрланаётган янгилик ва информацияларни халқаро мезонларга мослаш зарурати каби масалаларга қаратилди.

Шунингдек, иштирокчилар баҳс-мунозараларга бой бўлган семинар давомида глобаллашув шароитида миллий журналистика, ахборот тарқатишда Ғарб мезонлари ва миллий ўзига хослик, эркин ахборот муҳити ва ахборот мустақиллиги каби мавзуларга доир қатор масалаларни ҳам атрофлича муҳокама қилди ва ўзаро фикр алмашди.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги газета муҳарририятлари, телерадиостудиялар, турли идоралар матбуот хизмати ҳамда нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этган мазкур семинарда жанубий воҳадаги оммавий ахборот воситалари ривожида ва журналистлар фаолиятида бу каби семинарлар муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

МУХБИРИМИЗ

ЎЗБЕК - АМЕРИКА «SWEETS INTERNATIONAL» қўшма корхонаси

Халқимизни кириб келаётган Янги 2004 йил билан чин кўнгилдан табриклайди ва сизларга 40 хилдан зиёд номдаги ширинлик шакар кандолат маҳсулотларини янги йилда тухфа қилади.

Бизнинг манзилимиз:
Фарғона вилоят, Қува шаҳри, А.Яссавий 27
Телефон: (37331) 53-983, 53-093
Тошкент шаҳрида: (371) 135-46-08, 134-53-80

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Тадқиқот

ШЕЪР ИЛМИНИНГ НУКТАДОНИ

Маънавиятимиз тарихида шундай сарчашмалар борки, уларни ҳар гал мутолаа қилганингизда янгича завқ, олам-олам таассурот оласиз, билимингиз теранлаша боради. Машҳур адабиётшунос, шоир, ҳазрат Навоийнинг назари тушган аллома Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро"си ана шундай обидалардан бири. Камина "Шоҳнома" ва ўзбек адабиёти муаммосини ўрганиб юрган кезларимда, тазкиранинг Фирдавсийга оид фаслинигина ўқиб чиқувдим. Асарни иккинчи даъфа мукаммал кўздан кечирганимда, у ҳақдаги фикрларим мутлақо ўзгарди, Шарқ адабиёти ҳақидаги кўп қарашларим тўлишди, Асади Тусий ижодининг янги нуқталари аниқланди.

"Тазкират уш-шуаро"да ўтмишда яшаган 153 нафар замондошларидан 7 шоирнинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти ҳақида маълумот берилган. Адиб асар муқаддимасида шеърнинг пайдо бўлиши ҳақида батафсил маълумот бериб, араб шоирларидан 10 нафарини зикр этади. Хотимада эса замондошларининг ҳаёти, фаолияти ва адабий меросини зикр этади. Бундан ташқари, Давлатшоҳ у ёки бу адабий муҳит доирасининг забардаст вакили хусусида фикр юрита туриб, ўша доира ва маҳфилда умр сурган яна 120 ижодкор ҳақида ҳам йўл-йўлакай бўлса-да, қизиқарли далиллар келтирган. Ибн Сино, Умар Хайём, Имом Ғаззолий, Кайковус, Насриддин Тусий, Ахсикатийлар хусусидаги маълумотномалар алоҳида фаслларни эслатади. Шунингдек, адибнинг Саолибий, Фахриддин Розий, Абу Сухайлий Саълукий, Авҳаддуддин Кирмоний, Муҳаммад Кўҳистоний, Садруш Шуаро Бухорийлар ҳақидаги далиллар ҳам диққатга молик.

Энг муҳими шундаки, Давлатшоҳ қаламга олган ҳар бир шоири ҳақида иложи борича мукаммалроқ маълумот беришга — исми шарифи, лақаби, туғилган ери, аждоди, илм ўрганиш бобидаги риёзати, касб-кори, неча йил умр кўргани, вафоти тафсили, қабрининг ўрни, устози, шогирди, мамдуҳ ҳомийси, моддий аҳволи, мероси, асарларининг номи, жанр табиати, мавзу доираси, тил ва услуби ҳақида батафсил фикр юритишга интилади, у ёки бу адибнинг феъли, ҳаётидаги нозик дақиқалар, характер, руҳиятига доир қизиқарли далилларни келтириб ўтади. Шуниси диққатга моликкиди, Давлатшоҳ бирон-бир адибнинг ижоди ва ҳаёти, фаолияти ҳақида фикр юрита туриб, асарларининг тарқалиши, девонининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, халқ томонидан севиб ўқилиши, буюкларнинг назари тушганлиги, унга пайравлик қилган ижодкорлар, баъзи бир жанрларнинг пайдо бўлиши, хуллас, адабий жараённинг барча жабҳаларини ёритишга ҳаракат қилган.

Давлатшоҳнинг фикрича, шеър инсон яратилган кундан бошлабоқ унинг руҳий кечинмаларини акс эттириш воситаси сифатида пайдо бўлган. Шунинг учун унинг тарихи жуда кўҳна.

Тазкирада шундай бир нақл келтирилган: "Аббосийлар халифалиги замонида Хуросон раиси бўлиб турган Абдуллоҳ бинни Тоҳирга кунлардан бир куни Нишопур шаҳрида бир киши қўлёзма китобни тақдим этди.

— Бу қандай китоб? — сўради раис.

— Тақсир, бу "Вомиқ ва Узро" қиссаси, уни ҳакимлар подшо Анушервон учун ёзишган, — деб жавоб берди у.

— Биз қуръонхон одамларимиз. Бизлар Қуръон ва пайғамбар ҳадисларидан ўзга китобни ўқимаймиз. Бизга бундай китоб керак эмас, уни муғлар ёзишган, муғлар яратган ҳар қандай китоб биз учун зарарлидир, — деди-да, ўша китобни сойга ташлаб оқизиб юборди. Шундан сўнг Хуросон раиси "Менинг ҳукмронлигим ҳудудида муғлар ва ажамликлар яратган ҳар қандай китоб ёки мақоллар қўлга тушса, ўтга ташлаб қуйдиринглар", деб фармон чиқарди".

Анушервони одил (513-579) замонида пахлавий тилида яратилган "Вомиқ ва Узро" қиссасининг Абдулло бинни Тоҳир (824-844) замонигача мукаммал етиб келганлиги муҳим адабий ҳодиса бўлиб, у достон сюжетининг нақадар узоқ тарихга эга эканлигини кўрсатади.

Тазкиранинг XV аср адабиётига бағишланган фасллари ҳам ғоятда қизиқарлидир. Зероки, Давлатшоҳ 50 дан зиёд яқин ўтмишдошлари ва замондош ижодкорлари ҳақида дав адабиётшунослари орасида биринчи бўлиб муфассал далиллар келтиради, ижодкорлар хусусида шахсан девонини мутолаа этиш, баъзи мажмуалардаги шеърларини ўқиш, баъзан поэзия фидойилари оғзидан эшитган маълумотларни саралаш асносидаги таассуротларини баён этади, ихчам нақлларни келтириб ўтади, ғаройиб воқеаларни ҳикоя қилади.

Маълумки, кўҳна Шарқ ўтмишидаги жуда кўп ҳокимлар, амиру шоҳлар, бекзодаю шаҳзодалар илм-фан, санъат, маданият, бадиий ижоднинг равнақига кўмаклашган, кўпинча ҳомийлик қилган, айни пайтда уларнинг аксарияти шеърият сеҳрини илғаб, давр поэзияси тараққиётига муносиб улуш қўшган. "Тазкират уш-шуаро" сарой адабиёти тарихини, бирон-бир ҳоким ижодкор фаолиятини ўрганишдаги муҳим манба бўлибгина қолмай, давр тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда ҳам ноёб сарчашмалардан бири ҳисобланади. Зероки, адиб Ғазойирий Маҳмуд Бундор —Маждуддувала, Амақ — Санжар, Абулвосе Жабалий — Баҳромшоҳ, Ҳоқоний — Мухаммад Хоразмшоҳ, Жалолиддин Абдураззоқ — Жалолиддин Хоразмшоҳ, Жалол табиб — Шоҳ Шужъ, Сайид Неъматуллоҳ — Шоҳрух, Ҳусайний — Ҳусайн Бойқаро каби ижодкор ҳокимлар хусусида сўз юритар экан, уларнинг сиёсий, иқтисодий соҳадаги фаолиятларини, жангу жадаллар, зафару мағлубиятларини тадрижан баён этишга, ижодкорнинг айни пайтда давлат арбоби сифатидаги сиймосини китобхон кўз ўнгида тўла гавдалантиришга ҳаракат қилган. Ибни Ямин ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юритиш жараёнида муаллиф ўн бир саҳифада Сарбадорлар давлатининг пайдо бўлиши, унинг маънавий-маърифий сиёсати, мафкураси ва, ниҳоят, ҳалокати ҳақида аниқ, асосли фикр юритган. Демак, бу асар XV асрнинг бошларигача бўлган Шарқ халқлари тарихининг кўп жиҳатларини, маданий ҳаёт, илм-фан тарихини ўрганишда ҳам биринчи манбалардан ҳисобланар экан.

Афтидан, тазкирани ёзишда Давлатшоҳ фойдаланган манбалардаги далилларда иштибоҳли ўринлар ҳам бўлган кўринади. Зероки, китобда "Шоҳнома"нинг хотимасини қартайиб қолган Фирдавсий Асади Тусийдан ёзиб тугатишни илтимос қилган", "Носир Хисрав асли исфаҳонлик эди", деган фикрлар учрайдиким, улар тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Демак, "Тазкират уш-шуаро"даги баъзи фикрларни бошқа сарчашмалар билан қиёсан қабул қилиш ва ўрганиш лозим экан.

Давлатшоҳ Самарқандий Ҳусайний, Навоий каби ўзбек шоирлари ижодига кенг тўхталиш билан бирга Бундори Розий, Масъуд Саъди Салмон, Амир Шайхий Сухайлий сингари икки ва уч тилда баробар асарлар яратган ижодкорлар ҳақида ҳам қизиқарли далиллар келтирган. Бу хислат тазкиранинг Шарқ халқлари маънавиятидаги зуллисонайнлик анъанаси, муламмаъ жанри тарихини ўрганишдаги аҳамияти ҳам беқиёс эканлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, шоир ва адабиётшунос Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" асари форс-тожик ҳамда ўзбек адабиёти тарихини ўрганишдагина эмас, балки бутун Шарқ халқлари тарихи, маданияти, илми, адабий-эстетик қарашлари тарихини ўрганишда ҳам тенгсиз китобдир. Буни муаллифнинг жуда кўп адиблар ҳақида гапирганда, "Шеър илмида моҳир", "Аруз ҳақида рисола битмиш", "Шеърий санъатлар ҳақида китоби бор", "Илми шеърда саромади рўзғор эди", "Муаммо фанида рисолалар тасниф этган" сингари фикрлари ҳам тасдиқлайди. Давлатшоҳ ижодини ўрганиш ва тарғиб этишда, айниқса, академиклар А. Мирзоев, В. Абдуллаев, Б. Валихўжаев ҳамда Б. Аҳмедовнинг хизматлари катта.

Ҳомиджон ҲОМИДИЙ

"Ойнаи жаҳон"да

ТЕЛЕМОНОЛОГ НАДИР?

Телеэкранда "Ўзим билан ўзим" телевизион новеллаларини кўриб, кўпгина эпизодлардан завқ олдим, айни бир вақтда ижоднинг анча мураккаб мазкур соҳаси, унинг имкониятлари ҳамда чегаралари ҳақида ўйлаб қолдим.

Адабий асос ва режиссура, ижро ҳамда тасвир, сўз ва ҳикоя мароми ҳақида мулоҳаза қилишга ундайди бу асар. У эстетик вазифасини бажариш билан бир қаторда ТВ олдидаги хизматини ҳам ўтайди, чамаси. Чунончи, теледраматургия қандай бўлиши керак? ТВ мулки бўлмиш новелла ёки телекиссага қандай мавзу, қаҳрамон танлаш керак ва қандай шаклларни қўллаш лозим... Шу каби мавзуларда мулоҳаза қилишга даъват этади бу асар. Шу боис у томошабиннинг эстетик эҳтиёжини қондириши билан бирга маълум даражада ижод мактабини ўташи мумкин бўлади.

Ахамият беринг: бу гал теледастур уйда, кичик бир доира томонидан қабул қилиниши, экран сатҳи анча чекланган бўлиши туфайли ўрта ёшдаги бир шахс телеҳикоянинг бирдан бир қаҳрамони қилиб олинади. У ўзи билан ўзи баҳслашади, ёшлигини, волидаси меҳрибонини, илк севгиси, узоқларда, йиллар ортида қолган дўстларини эслайди. Кадр ортида эса қаҳрамоннинг ҳаёт-мамот, эзгу ниятлар, ушалган ҳамда ушалмаган орзулар ҳақидаги сўзлари янграб туради. Бугина эмас. Қаҳрамон ўзини қойиган, ўз устидан кулган, ойнадаги аксига қараб кинояли сўзларни айтган дақиқаларини ҳам кўрамиз, тинглаймиз. Шунда ўзимиз ҳам шу каби мавзуларда сўзлагимиз, замир фикрларимиз билан ўртоқлашгимиз келади.

Мавзу ва қаҳрамон (ёки персонажларнинг миқдори)ни бегилашдан ташқари ҳикоя услубини танлашда ҳам ТВнинг эстетикасидан келиб чиқилганини қайд этдик. Экранда асар қаҳрамонининг юриш-туриши, аста одим ташлаб сайр қилиши, хизматда бўлиши ва, айниқса, йирик планда пайдо бўлиб ўзини ўзи таҳлил қилиши ТВга, унинг асарларини қабул қилиш психологиясига жуда яқиндир. Режиссёр ҳаттоки бир қаҳрамоннинг икки қиёфасини экранда намоён этиши, улар бир-бири билан баҳслашиши дақиқаларини кўрсатадики, бу ҳол ижодий гуруҳ ўз олдига ниҳоятда мураккаб вазифаларни қўйганини тасдиқлаб туради. Инсон тафаккури, ҳис-ҳаяжонлари, турли ҳолатларда кўпроқ маъюс, озроқ қувноқ кайфиятга тушишлари сабаблари кўрсатилгандек бўлади. Бу лавҳаларда қаҳрамоннинг портрети, аниқроғи, йирик планларнинг мажмуаси пайдо бўлиб, бизга ахборот бериб туриши, кадрларнинг информативлиги узлуксиз бўлиши эса томошабинда қизиқиш уйғотиши жараёни билан танишдик.

Уз хонадонида ТВ дастурини кўраётган шахс кундалик юмушдан этак силкиб, новеллани кўриб, "Худди мен ҳақимда асар яратилганга ўхшайди. Мен ҳам тушкўриб, кўп ўйлаб қоламан, болалигимни эслайман, кўмсайман, тополмайман, ўксинаман, онамнинг хизматини бажаролмаганга ўхшайман, ҳеч ким — дўстларим, ҳамкасбларим, кўчадаги лиқ тўла одам кўнглимни кўтаролмайди... Бошидасига тўлиб-тошган дақиқалар ҳадя этилади.

Газета саҳифаси чекланганини ҳисобга олиб, сценарийнинг бошқа соф телевизион хусусиятлари ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни якунлаб, мазкур асарнинг режиссураси, тасвирий тили ҳамда айрим жиҳатларини эслатиб ўтамиз.

Режиссёр Тожибой Исроилов адабий заминнинг телевизион заҳираларини кўролган, унга мос келадиган бадиий талқин йўлларини излагани, кўп ўринда топганини алоҳида таъкидлаб ўтамиз. Ўзбек телевизион кинематографияси пайдо бўлиши, санъат даражасига кўтарилиши, ўзининг синашта услуб ва воситаларига эга бўлиши даврида бу соҳадаги ҳар бир ютуқ эътибордан четда қолмаслиги, қусурлар бартараф этилиши йўллари кўрсатилиши зарур, деб биламиз.Биз фикр юритаётган ТВ асарининг режиссёри осон йўл танламагани, биринчи кадрдан охиригача ўзи танлаган талқин услубига, тасвирий-овозли воситаларни қўллаш усулига содиқ қолишга интилгани таҳсинга лойиқ. Режиссёр бу гал "юк"ни аввало актёр "тортиши"ни англаб, ижрочини танлашга, у билан ишлашга кўп вақт ажратган. У профессионал киноактёр, яъни камераниг зийрак объективини, микрофоннинг сезгирлигини ҳисобга олиб ўз қаҳрамонига таъриф ва тавсиф беришга қодир бўлган Машраб Кимсановни танлаган, у билан мураккаб психологик ҳолат, уларнинг йирик пландаги ифодаси ҳақида кўп ўйлаган. Натижада интеллектуал савияси анча юксак бўлган шахснинг тафаккурини экранлаштириш имкони бўлган. Айниқса, асарнинг иккинчи қисми, сўнгги кадрларида саволларига жавоб тополмаган шахсга ҳаёт лавҳалари, турмушнинг ширин дақиқалари, набира, болакайларининг қўнғироқдай овозлари, хушчақчақ кулгилари, умрбод ёдда қоладиган ёшлик хотиралари ёрдамга келиши, бир соат биз билан бирга бўлган кишининг юзига қон югуриб, ёқимли табассум экранни ёритиб юбориши ёдимизда қолди. Шу билан бирга асарнинг биринчи қисмида турғун ҳолдаги кадрларнинг мўллиги, актёр ижросидаги бир хиллик, телеҳикоя мароминнг сустлиги ҳам кўзга ташланишини айтиб ўтардик. Шунингдек, ўзи билан ўзи савол-жавоб қилаётган шахс ижтимоий мавзуларда ҳам фикр киритмоқчи бўлиши асарнинг жанрига, лирик-психологик йўналишига мос келмагандек кўринди. Шу боис алвонлар, расмий гаплар, олқишлар бу асарнинг бадиий тўқимасига зўрма-зўракилик билан киритилгани кўзга ташланди. Режиссёр оператор Шариф Қодиров билан тил топишгани, бу нозик табиатли санъаткор билан сермазмун портретлар, манзаралар яратганини қайд қилган ҳолда теленовеллада тасодифан суратга олинган ва монтаж қилинган кадрлар ҳам учраб туришини айтиб ўтиш зарур. Хаёл оғушидаги қаҳрамондан, уйғоқ кўринишларидан самолётга панорама қилиниши "чиройли" кўринса-да, асарда ҳеч қандай драматургик юкка эга бўлмаган кадрлар пайдо бўлишига олиб келган... Ёки биз таърифлаган, рамзий образ даражасига кўтарилган тепаликнинг таърифи қурт-кумурсқалардан бошланиши ажаблантиради... Интерьер ва ундаги жиҳозларни танлашда ҳам шундай ортиқча тафсилотларга йўл қўйилган.

"Теленовелла" деб аталган бу баркамол бадиий асари аслида психологик драманинг талабларига жавоб беради. Уни эфирга узатиш, зарур бўлганида муаллиф ва режиссёрнинг изоҳларини ҳам томошабинга етказиш мумкин. Шу билан бирга ТВ оламига, айниқса, телережиссурага кириб келаётган ёшларга кўрсатиш, ундан сабоқ олиш ТВга ҳам, журналистика таълим тизимига ҳам фойда келтириши муқаррар.

Чўлпон "Адабиёт надир?" деб савол берган ҳамда унга ўзи жавоб ёзган эди. Унинг изидан боришга интилиб, "Телемонолог надир?" деб савол берсак ва бугун тилга олинган асар мисолида жавоб сўзларини изласак, монологнинг бу тури сўз ва актёр санъати билангина эмас, тасвир ва монтаж, мажозий ифода ҳамда мураккаб композиция ила томошабинга етказиладиган ижод маҳсули, деб жавоб бериш мумкин бўлар.

Ҳамидулла АКБАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА-ИТАЛИЯ «DELKONS» («ДЕЛКОНС») ҚЎШМА КОРХОНАСИ БОШҚАРУВИ

мустақил республикамиз халқини, барча касбдошларимизни

ЯНГИ 2004 ЙИЛ БИЛАН

қизғин табриклайди.

Янги йил мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар тарихига ўчмас зарварақлар бўлиб кирсин. Бунёдкор халқимизнинг ҳаёти фаровонлашиб, хонадонларимиз, қалбларимиз мунаввар бўлсин. Ҳар биримизга соғлиқ-омонлик, омад ва хушнудлик йўлдош бўлсин.

Дараклар

ЗИЛЗИЛА ЭРОНГА ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

Эроннинг жануби-шарқий қисмида жойлашган қадимий Бам шаҳридаги зилзила катта йўқотишларга сабаб бўлди. Маълумотларга қараганда, табиий офат кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,3 баллни ташкил этган. «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги хабарларига кўра, 80 минг аҳоли истиқомат қиладиган Бам шаҳрининг 60 фоиз қисми ер билан яксон бўлган, шаҳардаги икки минг йиллик тарихга эга қаср жиддий шикастланган. Ҳозирча табиий офат қурбонлари тўғрисида расмий маълумот берилмаган.

Умуман, зилзила Эронда тез-тез рўй бериб турадиган табиий офат ҳисобланади. Буни 1991 йилдан буён ушбу табиий офатдан 17 минг аҳоли қурбон бўлганидан ҳам билиш мумкин.

РОССИЯ ТАРИХИДАГИ ЭНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЙИЛ

Россия Федерацияси Бош вазири Михаил Касьянов 2003 йилни мамлакатнинг 12 йиллик ривожланиш тарихидаги энг муваффақиятли йил, деб эътироф этди. Ҳукумат раҳбари маълум қилишича, мамлакат ялпи миллий маҳсулоти йил якунига келиб 6,5 фоизга ўсган, инфляция даражаси 12 фоизга туширилган. (2000 йил инфляция 20 фоиздан ошиб кетганди).

Ҳукуматнинг йил якунларига бағишланган йиғилишида ушбу маълумотларни келтираркан, Бош вазир 2003 йилда ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади. Ҳукумат раҳбарининг билдиришича, ана шу чора-тадбирлар самараси ўлароқ, тугаётган молия йилида Россия аҳолисининг реал даромадлари 14 фоизга ўсди.

ПОРТЛАШ 191 КИШИНИ ҲАЁТДАН ОЛИБ КЕТДИ

Айни вақтда Хитой қутқарувчилари мамлакат жанубий-ғарбида жойлашган Чунцин шаҳрида инсон соғлиғи учун хавфли газлар тарқалишини тўхтатиш учун махсус операцияни давом эттирмоқдалар. Гап шундаки, ўтган ҳафта шаҳардаги газни қайта ишлаш муассасаларидан бирида рўй берган портлаш натижасида 191 киши ҳалок бўлганди ва заҳарли газлар атроф ҳудудларга тарқала бошлаганди. Ҳозирда маҳаллий шифохоналар портлашда жароҳатланган кишилар билан тўлган, уларнинг аксарияти — болалар.

Умуман, Хитой саноат корхоналари дунёда ишлаш шароити энг хавфли корхоналар сифатида эътироф этилган. Маълумотларга қараганда, ўтаётган йил давомида Хитойнинг 10 мингга яқин аҳолиси бевосита иш жараёнида ҳаёт билан видолашган.

Айни дамда мамлакат раҳбарияти Чунциндаги вазиятни диққат билан кузатиб бормоқда. «Синьхуа» агентлиги хабарига кўра, фожиа юз берган шаҳарга Хитой ҳукумати бошлиғи раҳбарлигидаги комиссия юборилган.

ИСРОИЛ ҒАРБИЙ ҚИРҒОҚНИ ҚАМАЛГА ОЛДИ



Исроил қуролли кучлари Тель-Авивда содир этилган қўпорувчиликка жавобан Ғарбий қирғоқни қамалга олди. Ўтган ҳафта Тель-Авив автобус бекатларидан бирида рўй берган портлаш оқибатида 4 нафар исроиллик ҳалок бўлган ва 12 нафари жароҳат олганди. Кейинроқ ушбу ҳалокат учун жавобгарликни "Фаластин озодлик фронти" ўз бўйнига олди. Шунингдек, қўпорувчилик 18 ёшли Саид Ханани томонидан уюштирилгани ҳам маълум бўлди.

Айтиш мумкинки, бу Фаластин-Исроил ўртасидаги кимўзар баҳсининг давоми саналади. Чунки бунга қадар Исроил ҳарбийлари томонидан Газода ўтказилган рейд вақтида 5 нафар фаластинлик ҳалок бўлганди, 12 нафари жароҳатланганди. Би-би-си хабарларига қараганда, ҳалок бўлганлар орасида "Ислом жиҳоди" ҳарбий гуруҳи командири Муклит Ҳамидхон ҳам бор.

ХИТОЙ ҚОЗОҒИСТОНДАН ИЖАРАГА ЕР ОЛМОҚДА

Қозоғистон 3000 нафар хитойлик фермерларни қабул қилишга ҳозирлик кўрмоқда. Икки давлат ўртасида имзоланган битимга мувофиқ, Синьцзянь провинцияси фермерлари Қозоғистонга қарашли 70 кв.км ерни 10 йилга ижарага олишмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао жорий йилнинг июнида Остонага расмий ташриф билан келганди. Ташриф давомида икки томонлама муносабатларни иқтисодий, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида янада ривожлантириш муҳокама этилганди. Деҳқончилик учун ернинг ижарага берилиши ҳам шу музокаралар меваси дейиш мумкин.

ЙИЛНИНГ ЭНГ САРА ФИЛЬМЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Америка Кинематография институти (AFI) 2003 йилнинг энг сара ўн фильми рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхатдан "Сўнгги самурай", "Узуклар шоҳи: қироллнинг қайтиши", "Америкада", "Афсонавий дарё", "Махлуқ" каби фильмлар ва тўлиқ метражли "Намони қидириб" мультфильми ўрин олган.

Америка Кинематография институти ҳар йили энг сара ва оммабоп фильмларни тақдирлаб боради. Энг яхши фильмлар киномунаққид, тадқиқотчи ва кино саноати вакиллари томонидан сараланади. Эътиборлиси, институт томонидан энг сара 10 фильм рўйхатига киритилган кино маҳсулотлари бошқа танловларда ҳам ғолиб бўлиб келмоқда. Мисол учун, ўтган йили кучли ўнликдан жой олган "Чикаго", "Нью-Йорк бандалари" фильмлари бир қанча халқаро фестивеллар ғолиби деб топилди.

ОЛТМИШ КИЛОГРАММЛИ КИТОБ

АҚШда дунёдаги энг катта китоб чоп этилди. Унинг ҳажми икки ярим метр, оғирлиги 60 килограммни ташкил этади. Расман жаҳон тарихидаги энг улкан китоб дея эътироф этилган ушбу ихтиро "Бутан: суратларда қироллик бўйлаб саёҳат" деб номланади. Улкан китоб асосан бутанлик ёшлар ижодига мансуб расм ва фотосуратлардан ташкил топган. Лойиҳа муаллифи Массачусетс университети ходими Майкл Хоули бўлиб, у "Дўстлик сайёраси" хайрия жамияти раҳбари ҳисобланади. Жамият Бутан ва Камбожа мамлакатларида мактаблар қуриш билан шуғулланади. 60 кг. ли китоб айни шу "Дўстлик сайёраси" жамиятининг хайрия лойиҳаси доирасида нашр этилди.

Ҳозирда "Бутан: суратларда қироллик бўйлаб саёҳат" нафақат ҳажми, оғирлиги, балки чоп этилиши бўйича ҳам китоб ноширлигининг энг яхши намунаси сифатида баҳоланмоқда. Дарвоқе, дунёдаги энг катта китобнинг нархи оз эмас-кўп эмас — 10 минг доллар. Лойиҳа муаллифининг айтишича, китоб савдосидан йиғилган барча маблағлар Бутандаги мактаблар учун сарфланади.

Тафсилот

САЛТАНАТДА СИР ЁТМАС

Литва Президенти мафияга алоқадорликда айбланмоқда

Литва Президенти Роландас Паксас шаънига кичик даврларда айтилган норасмий танқидлар мамлакат раҳбарининг истеъфосига сабаб бўлиши мумкин бўлган жиддий айбловга айланди. Марказий телевидение орқали сейм (Литва парламенти) депутатларининг давлат бошлиғи кирдикорларини фош этувчи айблов мурожаатномаси мамлакат аҳлига ўқиб эшиттирилди. Кўпчилик сиёсатдонлар бу воқеадан кейин Паксаснинг президентлик курсисини сақлаб қолиши қийин кечишини айтишмоқда. Мурожаатномада Литванинг амалдаги раҳбари мамлакат Конституциясини бузиш, давлат сирларини ошкор этиш ва Россия мафияси билан алоқадорликда айбланади. Табиийки, мантиқан олиб қараганда, бу айбловларнинг биттаси ҳам президентнинг истеъфоси учун етарли асос бўла олади. Литва парламенти депутатларининг хоҳиш-истаги ҳам шундай — улар президентга импичмент эълон қилиб, муддатдан аввал нафақага чиқаришни режалаштиришмоқда. Мамлакат қонунчилигига кўра, импичмент жараёни муҳокамасини бошлаш учун 36 депутатнинг имзоси кифоя. Юқорида зикр этилган айбловга эса сеймнинг 141 депутатидан 86 нафари имзо чеккан. Кузатувчилар шу жиҳатдан ҳам президентнинг парламент устидан ғалаба қозониш имкони камлигини урғулашмоқда.

Аслида можаро икки ой аввал матбуотда давлат хавфсизлик хизматининг шов-шувли материали эълон қилинишидан бошланганди. Ушбу материалда президент маъмуриятининг айрим юқори мансабдорлари уюшган жиноий тўдаларга сотилгани тўғрисида айтилганди. Воқеалар ривожи кейинроқ жадаллашиб, парламент Паксас маъмурияти хатти-ҳаракатларини **миллий хавфсизликка таҳдид**, деб баҳолади.

Ҳозирда Россия жиноий тўдалари билан президент аппаратини боғловчи ҳалқа сифатида Юрий Борисов исмли тадбиркор шахс тургани таҳмин қилинмоқда. Маълумотларга қараганда, ҳам Россия, ҳам Литва фуқаролигига эга бўлган Борисов сайлов даврида Паксаснинг тарғибот кампанияси учун 400 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ўтказган. Таҳлилчилар ана шу далилдан келиб чиқиб, Паксас Литванинг биринчи рақамли раҳбарига айлангач, сармоядор тадбиркор товламачилик билан таъсир кўрсатгани ва махфий мафия гуруҳлари билан ҳамкорликка тортгани тўғрисида айтишмоқда.

"Паксаснинг президентлик даври ўз интиҳосига етди. Буни президентнинг ўзидан бошқа барча сиёсатдонлар англаб етишган", дейди Литвада ном қозонган сиёсий шарҳловчи Римвидас Валатка. Аслида Роландас Паксаснинг мамлакатни идора этаётганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. У жорий йил бошида бўлиб ўтган сайловда литваликларнинг фаворити – севимли арбоби саналган Валдас Адамкусдан кўпроқ овоз тўплашга муваффақ бўлганди. Ва ўшанда бу кўпчилик томонидан кутилмаган ҳодиса сифатида баҳоланганди. Бугун эса Роландас Паксас бундан ҳайратланарли ва кутилмаган воқеанинг бош қаҳрамони бўлиб турибди.

Литва жуғрофий нуқтаи назардан унчалик ҳам катта кучқудратга эга эмас. Мамлакат 65 минг кв. км майдонга эга. Аҳолиси 3,8 миллиондан ошади. Бироқ ана шу кичик ҳудуд ва оз сонли аҳолига эга мамлакат анчадан буён жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортиб келмоқда. Ёдингизда бўлса, литваликлар собиқ Иттифоқдан ажралиб чиқиш учун жиддий ҳаракатга киришган, эрки учун курашган илк давлатлардан бири бўлганди. Президент Паксас масаласига ҳам Литва аҳли эътиборсизлик қилмади.

Хавфсизлик хизмати давлат раҳбарини айблаб, матбуотда баёнот эълон қилиши билан минглаб литваликлар Вильнюс кўчаларига оқиб келишди ва президентнинг истеъфосини талаб қилишди. Паксасга қарши норозилик чиқишлари ҳали ҳам ахён-ахёнда содир бўлиб турибди.

Эндиликда Литва сейми 12 кишидан иборат текширув қўмитаси ташкил этишни кўзламоқда. Депутат ва ҳуқуқшунослардан тузиладиган қўмита президентга қўйилаётган айблов нечоғли ҳақиқатга мослигини аниқлайди. Фактлар тасдиқланса, парламент давлат раҳбарига импичмент эълон қилади. Бунинг учун эса депутатларнинг камида 85 нафари президент истеъфосига овоз бериши керак. Литва қонунларига мувофиқ, агар Паксасга импичмент эълон қилингудек бўлса, президент ваколатлари вақтинча парламент воизи (спикери) Артурас Паулаускасга ўтади ва қонун чиқарувчи ҳокимият раҳбари икки ой муддат ичида янги президентлик сайлови кунини белгилайди.

Сиёсий шарҳловчилар агар юқоридаги тахмин рўёбга чиқадек бўлса, кимлар президентлик учун курашиши мумкинлигини ҳам аллақачон тахмин қилиб улгуришган. Бунга кўра, Литва раҳбари курсисини эгаллаш учун собиқ президент Адамкус, парламент спикери Паулаускас ва сейм депутати Алоизас Сакалас жиддий курашиши мумкин.

Собиржон ЁҚУБОВ

Европада Янги йил шукуҳи...

Рақам

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

• Нидерландия — дунёдаги энг кўп гул етказадиган мамлакат. Амстердам яқинидаги Алсмере шаҳарчасида дунёдаги энг катта гул бозори бор. Бозор биносининг сатҳи 30 та футбол майдонига тенг бўлиб, унда йилига биргина атиргулдан 1 миллиард дона сотилади. Нидерландия гуллари 140 дан ортиқ давлатга экспорт қилинади.

• Францияда пишлоқ (сир)нинг 400 дан ортиқ хили тайёрланади. Бутун Европада шуҳрат қозонган "Рокфор" пишлоғи мамлакат жанубидаги Рокфор мавзесида ишлаб чиқарилади. Қўй сутидан тайёрланган бу пишлоқ ер ости ғорларида сақланган боис алоҳида сифат ва таъмга эга.

• Испан фотиҳи Педро Ла-Плата дарёсининг ўнг қирғоғида янги шаҳарга асос солиб, уни "Сьюдад-де-ла-Сантисима-Тринидад-и-Пуэрто-де-Нуэстра-Сеньора-де-Санта-Мария-де-лос-Буэнос-Айрес" деган узундан-узоқ ном билан атаган. XIX аср бошига келиб, бу номдан фақат охирги икки сўзгина шаҳар номи сифатида сақланиб қолган.

• Бутун дунёда топилган 30 та энг улкан нефть конининг 15 таси Форс қўлтиғи ҳавзасида жойлашган. Заҳираси бўйича Саудия Арабистонидаги Гавар (12 млрд. тонна) ва Қувайтдаги Ал-Бурҳон (8-9 млрд. тонна) кони олдинги ўринда туради. Форс қўлтиғи ҳавзасидаги қудуқлардан "қора олтин" фаввора бўлиб отилиб чиқади. Уларнинг суткалик ҳажми 1-2 минг тоннадан ошади.

• Дунёда бананни энг кўп етиштирувчи мамлакатлар — Коста-Рика, Колумбия, Эквадор, Гондурас, Панама. Териб олинган банан ҳосили музлатгичли кемаларда Европа, АҚШга юборилади ва чала пишган ҳолда узилган мевалар йўл-йўлакай пишиб етилиб боради. Марказий Американинг аксарият банан плантациялари Американинг "Юнайтед фрут" компаниясига қарайди.

Азиз юртдошлар!
«Ўзбек ипаги» уюшмаси жамоаси

Сизларни кириб келаётган 2004 йил билан қутлайди. Янги йил барчамизга шодлик, чексиз қувонч, бахт-саодат келтирсин. «Меҳр мурувват йили»да хонадонларимизда тўкинсочинлик ва фаровонлик ҳукм сурсин. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар Янги йилда бундан-да улкан ижобий натижалар келтирсин

“СУВЖИҲОЗГАЗ”

Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси

ЯНГИ 2004 ЙИЛ

барчамиз учун иқтисодий юксалиш, оилавий фаровонлик, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг янада барқарорлашуви йили бўлишини истайди. “Сувжиҳозгаз” қўшма корхонаси ўз маҳсулотлари билан 2004 йилда ҳам хонадонингиз меҳмони бўлишга умид қилади.



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ДЕНОВ ТУМАНИДАГИ “ҒАЛАБА” ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

Азиз Ватанимизнинг ҳар бир фуқаросини, юртимиз меҳмонларини Янги 2004 йил билан самимий табриклайди.

Сафар

ҚОРБОБО ЖАНУБЛИКМИ?

Илк қарашда сарлавҳага қўйилган саволнинг ўзи ноўриндек туюлади. Лекин ҳар бир гапнинг тагида ўзига хос қандайдир мантиқ бўлади. Қуйидаги сафар тассуротларини ўқигандан кейин у ёғига ўзингиз хулоса чиқариб оларсиз.....

Дунёга машҳур Анталья шаҳри Ўртаер денгизининг илиқ тўлқинлари мавж урган қирғоғида, субтропик минтақада жойлашган. У ерга бориб дам олишни, денгизнинг шаффоф сувларига лоақал бир марта шўнғишни орзу қилмаган киши топилмаса керак. Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот атташеси Режеп Эрдўған менга Антальяда ўтказиладиган 3-Халқаро қорбобо фестивалида иштирок этишни таклиф қилганида, дастлаб ҳайрон бўлдим. Кўпчиликка ўхшаб, хаёлимга келган илк савол шу бўлди: "Иссиқ ўлкада Қорбобо фестивалини ўтказиш нега керак бўлиб қолди экан?" Режеп бей саволимга жавоб бериш ўрнига: "Борганда кўрасиз", деб жилмайиб қўйди...

Тошкентда қалин туман тушганлиги сабабли "Турк ҳаво йўллари"нинг Истанбулга олиб борувчи улкан учоғи салкам 11 соат кечикиб йўлга чиқди. Ҳавода ўтган 4 соат-у 45 дақиқалик парвоз давомида фестивалга кетаётган 9 киши бир-биримиз билан яқиндан танишиб олдик. Ҳайъатимиз Маданият ишлари вазирлигига қарашли Болалар бадиий ижодиёти маркази раҳбари Санобар Шодиева, марказ аъзоларидан икки ўғил-икки қиз, улардан иккитасининг онаси ва уч нафар журналистдан иборат эди. Истанбул аэропортида икки соат ўтиргач, сафаримизни Анталья сари давом эттирдик. 45 дақиқалик парвоздан кейин Ўртаер денгизининг нам ва соф ҳавоси уфуриб турган тупроққа қадам қўйганимизда, соат 20.00 ни кўрсатиб турарди.

Барибир, йўл азоби – гўр азоби-да! Денгиздан юз эллик қадамча юқорида жойлашган беш юлдузли "Фалез" меҳмонхонасида дам олишга улгурдикми-йўқми, эрталабки нонуштадан кейин ҳаммамизни автобусларга чиқишга таклиф қилишди. Ҳар бир автобус ёнида турган қорбоболар қўлларида давлатлар номи ёзилган лавҳаларни кўтариб туришарди. Ёзувларга қараб Буюк Британия, АҚШ, Дания, Польша, Россия, Литва, Қирғизистон, Германия, Украина каби 25 та давлатдан келган фестиваль қатнашчилари автобусларга жойлашдик. Бизга уч кун давомида Вечие хоним гидлик қиладиган бўлиб-ди. У булғор тилини яхши билиши туфайли рус тилида сўзлашувчи меҳмонларга ҳам хизмат қилар экан.

Ҳақиқатан ҳам жуда гўзал гўша Анталья! Шаҳарнинг шимолида қорли тоғлар маҳобат билан турган бўлса, жанубий қисмидаги денгизда дам олувчилар чўмилишаяпти. Чунки саёҳатимиз бошланган куни ҳавонинг ҳарорати 24 даража бўлса, сувнинг иссиқлиги 19 даражани ташкил қиларди. Умуман, Туркияда бир вақтнинг ўзида йилнинг тўрт фаслини кўриш мумкин.

Аввалига биз кўпчиликни қизиқтирган саволимизга жавоб топишга ҳаракат қилиб, қорбоболар ва Вечие хонимни саволларга кўмиб ташладик: "Қорбобонинг ватани шимолдаги совуқ ўлкалар бўлса, нима учун қор ёғмайдиган жойда Қорбобога бағишланган халқаро фестиваль ўтказиляпти?" Бироқ 25 ўлкадан келган меҳмонларни сабрли бўлишга даъват қилган қорбоболар ишни биринчи навбатда Анталья билан таништиришдан бошлашди. Шаҳарнинг тарихий жойлари ва музейлари билан танишгач, тушликдан кейин шаҳар ташқарисига йўл олдик.

Эрамизнинг бошларида бунёд этилган Аспендос антик театри ўзининг бағрига 25 минг томошабинни сиғдира олади. Қадимги юнонлар томонидан қурилган театр биноси маҳобати билан кишини ҳайратга солади. Ўша даврнинг меъморлари театрни шундай лойиҳалаштиришганки, пастда туриб гапирган кишининг сўзлари театрнинг ҳар қандай жойидан аниқ ва равшан эшитилади. Аспендос инсон қўли билан яратилган дурдона сифатида тилга олинса, Антальянинг шимолида жойлашган Дуденли шаршараси табиатнинг ноёб мўъжизаси ҳисобланади. Қорбоболар фестиваль қатнашчиларини шаршарага олиб келганлари бежиз эмас экан. Одатда, шаршаралар баланд тоғларда бўлиши тасаввуримизга ўрнашиб қолган. Бироқ тептекис жойдаги боғнинг ичида шаршара бўлиши, тўғриси, кўпчиликни лол қолдирди.

Биз боғнинг ичидан оқиб ўтаётган катта ариқ бўйлаб юра бошладик. Бир пайт ариқ сувлари ўз-ўзидан узилиб, 25-30 метрча пастга қараб оқаётган ерга келдик. Қорбоболар кўрсатган йўлдан шаршаранинг ички қисмига олиб борувчи ғорга тушдик, зеро, шаршара "Дуденли", яъни "ғорли" деб аталади. Ғор ичига кириб, ташқарига қарагандик, кўз ўнгимизда ниҳоятда гўзал манзара намоён бўлди. Биз шаршара сувларининг орқа томонида турган-дик. Шаффоф сувлар шундоққина олдимиздан пастга қараб отилиб тушаётганди. Тўғриси, бундай гўзалликни таърифлашга тил ожизлик қилади...

Кечқурун "Фалез" меҳмонхонасида 3-Халқаро қорбобо фестивалининг расмий очилиш маросими ўтказилди. Фестивал ташкилотчиси бўлган Туркия Маданият ва туризм вазирлиги вакили ҳамда Анталья шаҳар ҳокими меҳмонларни табрикладилар. Хор ижросида анъанавий қорбобо қўшиғи янгради. Шундан кейин турли мамлакатлардан келган болажонлар қатори ўзбекистонлик болалар ҳам ўзларининг қўшиқ ва рақслари билан даврага файз киритдилар, қорбобо билан рақсга тушиб, эсдалик учун расмга тушдилар...

Фестивалнинг иккинчи куни Антальядан 170 километр жанубда жойлашган Демре шаҳрига йўл олдик. Шаҳар марказида "Мўъжиза яратувчи" деб донг чиқарган Николасга ҳайкал ўрнатилган. Бундан бир ярим минг йилча аввал яшаган Николас жуда саховатли инсон бўлган. У бева-бечораларга, айниқса, болаларга ёрдам қилиш учун уларга совға-салом улашиб юрган. Совғаларни елкасига осилган халтасида ташиган. Савоб иш қилаётганини бировлар билиб қолмаслиги учун Николас соқол қўйиб, устига турли чопонлар кийиб олар экан. Николас қилган савобли ишлар орадан юзларча йиллар ўтгандан кейин XVII-XIX асрларда эсга олиниб, ҳаётга татбиқ қилиниши натижасида қорбоболар юзага чиқа бошлади. Аслида Антальянинг жанубида пайдо бўлган одат секин-аста шимолга қараб йўл олди. Шу тариқа, бугунги кунга келиб Қорбобонинг ватани сифатида Финляндиядаги Лапландия деган жой эътироф қилинади. Лекин қорбобонинг асл ватани шимолда эмас, балки жанубда жойлашган Демре шаҳри эканлиги бугунги кунда тан олинган.

Демре шаҳрида Николас замонида қурилган қадимий черков сақланиб қолган. Ҳозир черковни таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Умуман олганда, Туркияда турли динларга оид тарихий ёдгорликлар ва ибодатхоналар кўшни Грециядагидан ҳам кўпроқ, дейишади. Бунинг сабаби бор, албатта. Тарихга назар солинса, Усмонийлар империяси ўзига тегишли ҳудудлардаги маҳаллий аҳолига ўз динларига эътиқод қилиш, она тили ва маданиятидан бемалол фойдаланиш ҳуқуқини берган. Шу сабабли бўлса керак, Усмонийлар империяси тарихда энг узоқ давр ҳукмронлик қилган империялардан ҳисобланади.

Қадимий черков ҳовлисида "Мўъжиза яратувчи" Николасга ҳайкал ўрнатилган. Ҳайкал ёнида ҳассасига қўнғироқлар осилган, соқоллари эртаклардагига ўхшаган ҳақиқий Қорбобо турарди. Унинг қаердан келгани ҳақида қизиққандим, финляндиялик экан. Катта-ю кичик Қорбобо билан эсдалик учун расмга тушишга шошилишди.

Демре шаҳрига борган кунимиз 6 декабр, якшанбага тўғри келди. Маълум бўлишича, Николас худди шу куни дунёга келган экан. Шу муносабат билан қадимий черковда Қорбобо фестивалига бағишлаб маросим ўтказилди. Унда ислом, христиан ва яҳудий динларининг намояндалари ваъз қилишди. Улар барчани тинчликни сақлашга, саховатпеша бўлишга даъват қилиб, дуо учун қўлларини очишди. Қадимий черков гумбазлари остида турли дин вакилларининг ибодат қилишлари рамзий маънога эга. Зеро, тинчлик ҳам бир неъмат ҳисобланиб, сув, ҳаво, қуёш, тупроқ, Она-ватан каби муқаддасдир.

3-Халқаро Қорбобо фестивалининг айрим қатнашчилари, хусусан, камина, декабрь ойи бўлишига қарамай, Ўртаер денгизининг илиқ сувларида чўмилиш имконини қўлдан чиқармадик. Фестиваль давомида Ўртаер денгизи соҳилларида жойлашган ҳайратомуз тарихий ёдгорликлар билан танишдик. Охирги куни эса Анталья дельфинарийсида бўлиб, Украинадан келтирилган ўргатилган дельфинлар иштирокидаги дастурни томоша қилдик.

Хулласи калом, фестиваль давомида Қорбобо ҳақиқатан ҳам жанублик эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Бахтиёр Шоҳназаров,
Тошкент – Истанбул – Анталья – Тошкент

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

2004 йил ҳаммамиз учун қут-баракали келсин, дастурхонимиз серфайз-сербарака бўлсин!

Ҳаётимизга кириб келаётган янги 2004 йил билан барча касбдошларимизни, мустақил ва азиз Ўзбекистонимиз халқини чин юракдан табриклаймиз.

Она юртимиз осмони бундан кейин ҳам мусаффо ва осуда бўлсин. Орзу-умидлари уфқларга туташ, бағрикенг ва саховатли, заҳматкаш ва бунёдкор кишиларимиз ҳаёти мунаввар-ликка тўлсин. Ҳар бир хонадонга файзу баракот, тотувлик ва шодлик кириб келсин. Соғлиқ-омонлик, бахту саодат, омад ва иқбол ҳар биримизга йўлдош бўлсин!

Фарғона ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш билим юрти жамоаси



«ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ»,

дейди донишманд халқимиз

Ана шу бебаҳо бойликни муҳофаза қилиб, инсонлар умрига баракот киритаётган фидойи инсонлар сафида тиббиёт ҳамширалари ҳам салмоқли қисмни ташкил этади.

Ўз ҳаёти давомида дўхтирга иши тушмаган кимса камдан-кам учраса керак. Туғилишдан тортиб ҳаётининг энг сўнгги дамларигача бўлган масофада тиббиёт ходимлари кўмагига инсонлар доимо эҳтиёж сезади. Улар сиз-у бизнинг саломатлигимиз ва бардамлигимиз учун жон койитадилар, бирон-бир оғриқдан дунё кўзимизга тор кўриниб қолган чоғларда улар нажот йўлини қидирадилар. Беором юракларга таскин берадилар, руҳимизга тетиклик, жисмимизга мунавварлик олиб кирадилар.

Ана шу бағоят олижаноб ва эзгу касб эгалари сафида беморга унинг ўз туғишган кишисидек меҳрибонлик кўрсатувчи, муолажани амалга оширувчи ҳамширалар алоҳида қадру эҳтиром билан тилга олинадилар. Беҳуда уларга ҳамшира (опа ёхуд сингил маъносида) номи берилмаган.

Фарғона вилоятининг даволаш масканларида 30 минг нафар атрофида тиббиёт ҳамширалари меҳнат қилишяпти. Яна минг-минглаб қизларимиз тиббиёт коллежларида таҳсил олишмоқда.

Маълумки, врачлар билан бир қаторда, тиббиёт ходимларининг ҳам малакасини мунтазам ошириб бориш, уларни ҳаётимизга кириб келаётган энг замонавий даволаш технологияси ва услубларидан воқиф этиб туриш алоҳида аҳамиятга моликдир.

Ана шу мақсадларда республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси ва махсус қарори асосида 1996 йилнинг апрелида Фарғона шаҳрида ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш билим юрти очилган эди. Бу улкан билимгоҳ бугун ўз мавқеи билан республикамиздаги турдош билим юртлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган. Бу фикрни ўқув даргоҳининг йил сайин кенгайиши, унинг аудитория ва лабораториялари энг замонавий тиббиёт технологияси ҳамда асбоб-ускуналари билан жиҳозланиб-бойиб бораётгани, 70 турдан ортиқ йўналишда назарий ва амалий машғулотлар ўтказилаётгани, малака ошириш курсларини кўплаб энг тажрибали ва олий тоифали шифокорлар бошқараётганлиги ҳам исботлаб турибди. Хусусан, жарроҳ Ханжарбек Мамазуннунов, педиатр Диёрахон Мавлонова, терапевт Ўғилой Отабоева, уролог Гулнора Мирзаева, методист Иброҳимжон Мадраҳимов каби юксак малакали шифокорларни ўқув юрти фаолиятининг машъаллари, дейиш мумкин. Вилоят ҳамширалари навбати билан ҳар уч йилда бир марта ана шу билимгоҳда бўлишиб, ўз соҳалари бўйича малакаларини ошириб қайтадилар. Биргина жорий йилнинг ўзидаёқ уларга 20.700 соатлик назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Малака ошириб қайтишгач, ҳамширалардан риштонлик Одина Мадаминова, марғилонлик Зухра Ҳайитова, қувасойлик Мавлуда Йўлдошева, қувалиқ Шоира Ўринбоева ва бошқаларнинг миннатдорчилик мактубларида мазкур билимгоҳ жамоаси амалга ошираётган олижаноб ишлар ҳаяжон билан битилади.

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасида Фарғона ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш билим юртига бошчилик қилаётган олий тоифали врач Адҳамжон Тўхтасинов ҳақида илиқ гапларни эшитдик. У юксак малакали шифокор бўлибгина қолмай, изланувчан ва ташкилотчи раҳбар, моҳир педагог, билимгоҳнинг равнақи учун жонкуяр инсон эканлигини айтишди.

— **Ўз билими ва иш тажрибасини муттасил ошириб бормаган, изланмаган, юксак инсоний фазилатларни ўзлаштирмаган шифокорни ҳеч қачон кечириб бўлмайди,** — дейди бошқарма бошлиғи, профессор Файзулла Йўлдошев. — **Чунки унинг зиммасига дунёдаги энг олий масъулият — Инсон учун энг азиз нарса — унинг ҳаёти билан боғлиқ вазифа юкланган. Бу вазифа олдида нафақат шифокорларимиз, балки ҳамширалар ҳам ҳамиша масъулдирлар...**

Илҳом СОЛИҲОВ

Фаолият

СУРХОНДАН ТАРАЛГАН ЁҒДУ

Манбаларда қайд этилишича, телевизор деб аталмиш чоғроққина қутича сурхондарёликлар хонадонларида дастлаб бундан 45 йил аввал пайдо бўлган экан. Ўшанда телевизори бор хонадонлар Тошкент ва Москва телекўрсатувларини Жарқўрғон тумани ҳудудида ўрнатилган телеминора орқали томоша қилганлар. 1990 йилга келиб, вилоятнинг ўзида ҳам телевидение ташкил этилади. У махсус қурилган ҳашаматли, кўркам бинода жойлашади. 17 октябрдан бошлаб ўзининг синов кўрсатувларини ҳафтада уч марта бир соатдан телеминора орқали узатиб туради. Орадан бир йил ўтиб, 1991 йилнинг 30 декабрида вилоят марказидан унча узоқ бўлмаган ҳудудда 268 метр баландликдаги замонавий телеминора қуриб ишга туширилди ва дастурлар ана шу янги қурилма орқали эфирга узатиладиган бўлди. Шу тариқа маҳаллий телевидение кўрсатувларини вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари ҳамда Қашқадарёнинг Деҳқонобод тумани, Афғонистон, Тожикистон, Туркманистоннинг чегарамизга яқин ҳудудлари аҳолисининг томоша қилишига имконият яратилди.

Вилоят телевидениесига 5-6 та китоб чиқарган журналист Озод Авлиёқулов дастлабки раис бўлди. Унгача у маҳаллий радиога раҳбар эди. Телевидение пайдо бўлгач, бу идора телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси деб атала бошлади.

Озод ака телевидениени ташкил этиш, ҳозирги муҳташам бинони лойиҳалаштириш, қуриш ишларида жуда кўп меҳнат қилди. Қучоқ-қучоқ лойиҳаларни кўтариб ҳали у идорага, ҳали бу идорага, ҳали Тошкентга қатнаганини кўп кўрганман. Тақдир экан-да, югуришга-югурди-ю, бояқишга ўз меҳнатлари самарасини кўриш насиб этмади. Автоҳалокат туфайли вафот этди. (Худо ўз раҳматига олган бўлсин). Қолган ишни шогирдлари давом эттиришди. Маҳаллий радиода, нуфузли идораларда ишлаган иқтидорли журналист ва ёзувчи Абдулла Холмирзаев дастлабки кўрсатувларни ташкил этишдан бошлаб то оёққа турганича ижодий жамоага раҳбарлик қилди. Бошқа ишга ўтгач, ўрнига журналист Шомил Ҳикматов, сўнг Бахтиёр Кенжабоев тайинланди. Бу орада ташкилот Сурхондарё вилоят телерадиокомпанияси деб атала бошлади. Унга раҳбарлик қилган инсонларнинг ҳар бири ҳам телевидение ишини тараққий эттиришга ўз улушини қўшди.

2002 йилнинг ўрталаридан бошлаб эса вилоят телерадиокомпаниясига Ўрол Сафаров раҳбарлик қилиб келаяпти. Бугунга у юқори идораларда ишлаб анча чиниқди, ҳаётий тажрибасини оширди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олди.

Бугунги кунда нафақат вилоятда, балки юртимизда номлари яхши таниш забардаст журналистлар Қодир Норбўтаев, Иброҳим Мардаев, Мавжуда Насруллаева, Тўра Қобилов, Собир Мирзаев, Менгнор Олломуродов, Ўрол Олтибоев, бош режиссёр Искандар Иркаев, тасвирчилар Камол Маматов, Қурбон Нормуродов, Баҳодир Худойқулов, Илҳом Рўзиевлар вилоят телевидениесининг шаклланиши, бўй кўрсатишида куч-ғайратларини аямадилар. Уларнинг кўплари ҳамон шу жамоада жўшқин ижод билан бандлар.

Вилоят телевидениесини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган бир қатор истеъдодли журналистлар юқори лавозимларга ишга таклиф этилдилар. Айримлари мустақил фаолият кўрсата бошлашди. Жумладан, ҳозирги кунда Рамазон Ашуров вилоят ҳокимлигида матбуот котиби, Ўрол Олтибоев вилоят матбуот ва ахборот агентлиги ҳудудий бошқармаси раҳбари вазифасида ишламоқда, Бахтиёр Олломуродов, Собир Мирзаев, "Шуҳрат" медали соҳиби Абди Қодиров, Нортожи Зиёев, "Шуҳрат" медали соҳиби ва вилоят кенгаши депутати Абдурасул Жумақулов, Менгнор Олломуродов, Чори Жумақуловлар Республиканинг нуфузли ОАВда фаолият кўрсатмоқда. Абдуғани Қодиров "Ишонч" телевидениесини ташкил этди ва ҳозир унга раҳбарлик қилиб келмоқда. Бир уяда қанот чиқарган ва ўзига ишонган қалдирғочлар турли томонларга парвоз қилишади-да. Уларнинг парвозлари юксак бўлаверсин.

Қимирлаган қир ошади. СТВчилар ҳам интила-интила довонлардан оша бошлашди. Аввало, ҳар кимнинг дуч келган иш билан шуғулланиб кетишига барҳам берилди. Бўлимлар ташкил этилди, вазифалар тақсимланди. Ходимлар Тошкент телевидениесига малака оширишга юборилдилар. У ердан эса бир гуруҳ тажрибали тасвирчилар келиб, ёшларга касб ўргатишди. Натижа шу бўлдики, 2-3 йил ўтар-ўтмас СТВнинг ўзи дуппа-дуруст ижодий марказга айланди-қолди. Маҳаллий тележурналистларнинг номлари элга танила бошлади. Кўрсатувлар сифати ва мазмуни анча ошди. Бунинг исботи тариқасида кейинги 5 йил ичида мустақиллик кунига бағишлаб Республика телевидениеси томонидан ҳар йили ўтказиладиган "Озод элим, ойдин йўлим" вилоятлараро кўрик-танловда жамоа икки марта 1-ўринни, 1 марта 3-ўринни эгаллаганини айтиш мумкин. Ўтган йили шу мавзудаги танловда сухандон Муслима Муродова "Энг яхши сухандон", тасвирчи Камол Маматов "Энг яхши тасвирчи" деб баҳоланди.

СТВ бош муҳандиси, жамоанинг "оқсоқол"ларидан Комил ЖУМАЕВ:

— Кейинги бир йил ичида кўрсатувларимизнинг сифатини яхшилашда анча ишлар қилинди. Илгариги эски, оғир, баҳайбат телекамералар ихчам ва замонавийлари билан алмаштирилди. Бир неча тасмадаги тасвирлар битта тасмага жамланадиган "Перегон" хонаси очилди. Студия анча кўркамлашди. 2 та видеокамера, 3 та рангли телевизор, 2 та видеомагнитофон, овоз, тасвирни бошқарадиган пультлар олинди. Пардозхона очилди.

Телерадиокомпания раиси ўринбосари Иброҳим МАРДАЕВ:

— Жамоамиздаги ҳар бир ходимдан ўз вазифасини сидқидилдан, виждонан бажаришини талаб қиламиз. Ҳар бир кўрсатувни, дастурни дастлаб бадиий кенгашда таҳрирдан ўтказамиз. Унда ходимнинг хизматига, ютуғи ёки камчилигига холисона баҳо берилади. Энг яхши кўрсатув тайёрлаганларни моддий рағбатлантиришни сўраб раҳбариятга тақдимнома киритилади. Аксарият ёшлардан иборат жамоамиз учун бу усул муҳим аҳамиятга эга.

Телерадиокомпания раиси Ўрол САФАРОВ:

— Кечки дастуримиз ҳафтада 6 кун, ҳар куни 1 соат, 10 дақиқадан жами 7 соат намойиш этилади. Шу йилнинг 1 январидан "Жануб тонги" дам олиш дастуримиз 5 кун давомида жами 15 соат эфирга чиқмоқда. Ўз вазифасига садоқатли, изланувчан ходимларимизни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш — биз раҳбарларнинг вазифаси. Шу йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида 80 нафар ходимга маошдан ташқари мукофот, моддий ёрдам тариқасида ва тижорат кўрсатувлари ташкил этганликлари учун қарийб 11,7 миллион сўм сарфладик.

Ҳар қандай яхши ишимизни, ташаббусимизни раҳбарларимиз қўллаб-қувватлаб келишмоқда. Кези келганда ёрдамларини ҳам аямаяптилар. Яқиндан бошлаб СТВ ижодкорлари Сурхон воҳасидан етишиб чиққан ва пойтахтда масъул вазифаларда ишлаб фаолият кўрсатаётган машҳур кишилар билан учрашувлар ташкил этдилар.

Ҳозиргача мухлислар Тошкент Давлат Аграр университети ректори, профессор Ҳасан Бўриев, "Ўзбекистон энциклопедияси" таҳририяти бош директори, профессор Нурислом Тўхлиев, таниқли шоирлар Усмон Азим, Эркин Аъзам, Сирожиддин Саййид, Эшқобил Шукуров, машҳур рассомлар Рўзи Чориев, Турсунали Қўзиев, журналист Анвар Номозов, хонандалар Сайёра Қозиева, Ҳосила Раҳимова, актриса Тамара Ҳазраткулова ва бошқалар билан "зангори экран" орқали юз кўришдилар. Умид қиламизки, бундай дилкаш учрашувларнинг кўпи ҳали олдинда.

Даврон ҒУЛОМОВ, журналист

Тақдимот

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ва Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ваколатхонаси мавлоно Жалолиддин Румийнинг истеъдодли шоир Жамол Камол таржимасидаги "Маънавий маснавий" асарининг 3-4-жилд китобларини ("Фан" нашриётида чоп этилган) илмий жамоатчиликка тақдим этдилар. Тақдимот Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёти музейида олиб борилиб, унда ушбу китобнинг нашрига ҳомийлик қилган Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ваколатхонасининг масъул ходимлари, шунингдек Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Ислом университети, Шарқшунослик институти, Имом ал-Бухорий жамғармаси, Маънавият ва маърифат марказидан академиклар, олимлар, аспирант-докторантлар, тадқиқотчилар ва журналистлар иштирок этдилар. Тақдимотни Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёти музейи директори, профессор Саидбек Ҳасанов олиб борди.

АВЛОДЛАР ҚАЛБИГА НУР СОЧГАН ОШИҚ

Сўзга чиққан меҳмонлар ва олимлар янги нашрдан чиққан китоб ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, жумладан, бундай дедилар:

ҲУСАЙНИЙ жаноблари, Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси муовини:

— Ўзбекистон ва Эрон халқларининг маданий робиталари асрлар қаърига бориб тақалади. Ибн Сино, Улуғбек, ҳазрат Навоий номлари Эронда шуҳрат топганидек, Фаззолий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз асарлари Ўзбекистонда севиб ўқилади. Жалолиддин Румий эса халқларнинг дилини ўзаро боғлаган ижодкор. У асли Балх шаҳрида туғилиб, Ислом оламини кезиб чиққан ва Туркияда турғун яшаб қолган.

"Маънавий маснавий" китобининг таржима қилинишининг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, мавлоно Жалолиддин Румий барча замонларда бирдек муҳаббатга сазовор бўлиб, бу улуғ зот қолдирган улкан адабий мерос ҳам абадийдир. Ана шундай алломалар бор экан, уларнинг мероси боқий экан, насллар орасидаги алоқа ҳеч қачон узилмайди. Иккинчидан, Ўзбекистон халқининг ўтмишга бўлган ҳурмати, ихлоси ва муҳаббатидир. Учинчидан, тасаввуф таълимотига бўлган иштиёқ, қизиқиш асосий пойдевор ҳисобланади.

Ҳазрати Мавлононинг тафаккур олами шундай ҳикматки, айни пайтда ҳам бизни ўтмиш билан боғлаб туради. Ана шундай маънавий алоқалар бор экан, шу асосда "Сино" журнали чоп этилади, китоблар таржима қилинади. Икки мамлакат президентларини бир-бири билан яқинлаштирадиган, бирлаштирадиган ҳам шу — муҳаббат, ҳурматдир.

Доктор Аббосали ВАФОИЙ жаноблари, мазкур элчихонадаги маданият ваколатхонаси раиси (асосий диққатни Мавлоно асарларининг моҳиятига қаратди):

— Нега Мавлоно ошиқ бўлган? Нега Мавлоно ишқни куйлаган? Нега Ҳофиздек шоир ҳам ишқнинг боқийлигини куйлаб ўтган? "Ўлган эдим, тирилдим, абадий бир ҳаётга, давлатга эга бўлдим", дейди Мавлоно. Мавлоно Румий барча нарсада — инсон ҳаракати, табиат, борингки, борлиқдаги заррагача илоҳий ишқни кўради. Унинг нигоҳида инсон ишқ туфайли "алиф"дан "дол"га эмас, балки "дол"дан "алиф"га айланади (бу ерда араб алифбосидаги ҳарфлар назарда тутилмоқда — Л. Н.). "Маснавий"даги шеърлар бир бақучли бўлган. Хусусан, Алишер Навоийнинг "Мантиқ уттайр", Ҳувайдонинг "Роҳати дил", Сайқалийнинг "Қиссаи Сайқалий" асарларида ҳам мавлоно Румий илгари сурган ғоялар ўзининг янги бадиий талқинида акс этган.

Шунингдек, Абдуқодир Ҳайитметов, Суйима Ғаниева, Абдулҳаким Жузжоний каби устоз-олимларимиз ҳам янги нашрдан чиққан "Маънавий маснавий" китоби (шу ўринда мазкур китобнинг масъул муҳаррири, фалсафа фанлари номзоди Жаъфар Холмўминовнинг ҳам меҳнатларини айтиб ўтиш ўринли) ва 1999 йилда шоир ва таржимон Асқар Маҳкам ҳам мавлоно Жалолиддин Румийнинг "Маънавий маснавий" асарини шарҳи билан (шарҳ муаллифлари — Обиддин Пошшо, Карим Замоний ва Асқар Маҳкам) таржима қилиб, 1-жилдини чоп эттиргани ҳақидаги илиқ фикрларини изҳор этдилар.

Мавлоно Жалолиддин Румийни аждодимиз, дея фахр билан тилга оламиз. У кишига бўлган муҳаббатимиз, ҳурматимиз ҳақиқатдан ҳам беқиёс. Асарлари инсоннинг бевосита иймон-эътиқодига таъсир этиб, кишини ҳалолликка, эзгуликка чорлайди ва Аллоҳга бўлган муҳаббатини янада орттиради. Пок қалбли шоирнинг ҳикматга тўла "Маънавий маснавий" асарининг ўзбек тилига таржима қилиниши ўзбек адабиёти ва маданиятининг улкан ютуғи, деса бўлади.

Қайсидир донишманд: "Иймонга таъсир этадиган адабиётгина ҳақиқий адабиётдир", деганида нақадар ҳақ гапни айтган. Чунки инсон фаолияти ана шу иймон билан боғлиқ бўлса, унинг маънавияти ҳам шунчалик теран, бой бўлиб бораверади. Маънавиятли инсон эса ҳамиша гўзалдир. Шу боис у қайси асрга, миллатга мансублигидан қатъи назар, бирдек қадрланади ва севилади.

Лола НАСРУЛЛОҲ

Тақдиф

АРЧАНИ САҚЛАШНИНГ БЕЛГРАДЧА УСУЛИ

Байрам хурсандчилиги яхши. Буни ҳаммамиз тушунамиз. Лекин бирпасда ўтиб кетадиган ана шу хурсандчилик учун қанчадан-қанча арчалар нобуд бўлишини кўп-да тасаввур қилмаймиз.

Агар ҳар йили сон-саноқсиз арчаларни йўқотаверсак, эртага нима бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам бош қотириш фурсати келганга ўхшайди. Айниқса, катта шаҳарлар марказидаги улкан арчаларни кўрсангиз, баъзан юрагингиз эзилиб кетади. Айтишингиз мумкин — сунъий арчалар бор-ку, ўшандан фойдаланаверинг, деб. Лекин кўпчилик янги йилни яшил ва табиий арча билан кутиб олишни хуш кўришини ҳам назардан қочирмаслик керак. Бўлмаса нима қилмоқ керак? Белградликлар бунинг иложини топишибди. Яшил арчани истовчилар Янги йил оқшоми уни махсус идишга экилган тарзда сотиб олишади. Маросим тугагач, арчани ўз боғига ва йўлак четига экиб қўйишади. Бунга имкон бўлмаган тақдирда тегишли жойга кўнғирок қилинади ва махсус кишилар келиб арчани олиб кетади. Ана шундай йўл билан арча олиб келинган ёки бошқа бир жойга экилади. Бу ҳам иқтисодий маданиятнинг бир йўли. Тўғрида, нима кўп, Янги йилнинг келиши кўп. Бунга арчазор чидайдими?

Мабодо биздаям белградликлар усули қўлланилса-чи? Қанчадан-қанча дов-дарахт — яшил соҳибжамолнинг бемаврид топталишининг олди олинарди. Қанийди, юртимиз тоғларини яшиллик оғушида кўришни истаган корхоналарнинг масъул раҳбарлари буни шу йилнинг ўзидаёқ жорий этишса.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Эътироф

МЕН ЎЗБЕК ЎҒЛОНИМАН

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти томонидан халқимизнинг атоқли шоири Эркин Воҳидов асарларининг 3 жилдлиги китобхонларга тақдим этилди. Шоирнинг бу китобларини варақлар эканман, "Ўзбегим" номли машҳур шеърига кўзим тушди. Шу муносабат билан юқоридаги шеър атрофида ўз вақтида бўлиб ўтган айрим воқеалар хаёлимдан ўтди.

Мен макон қилган, эндиликда Асқар Убайдуллаев номи билан аталадиган маҳаллада 5-6 та ёзувчилар яшар эди. Дунёқараш жиҳатдан, адабиётга, ижодга, муносабат жиҳатдан биз бир-биримизга жуда яқин эдик. Кечқурунлари маҳалламизнинг орқа кўчасида биргалашиб соатлаб сайр қилишни ўзимизга одат қилиб олган эдик. Орқа кўчанинг нариги томонида эса Интернат-мактаб жойлашган эди. Бу масканнинг қоровули ҳам ўзимизнинг маҳалладан эди. Биз сайр қилардик. Маҳалладош қоровул кечки соатларда магнитофонни баланд овозда қўйиб, фақат Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" шеърини эшитувчи эди. Ҳа, магнитофонда қайсидир артист мусиқаси остида ўқиган "Ўзбегим" шеъри янграрди. Қоровул қўшним билан бир оқшом суҳбатлашиб қолдим.

— Бунча "Ўзбегим"ни яхши кўрмасангиз, — дедим унга.

— Э, домла, — деди. — Шоирнинг бу шеърида гап кўп. Биласиз, мен ҳам илгари ўқитувчи бўлганман. Тариҳдан мактабларда дарс берганман, хусусан тарихга қизиққанман. "Ўзбегим" шеъри оддий шеър эмас, бу ерда ўзбек халқининг тарихи акс этган. Тарихнинг энг авж нуқталарини шу шеърдан топасиз, — деди-да, шеърни ўқиётган артистнинг жарангдор овозига қулоқларини тиккандай бўлиб:

— Қаранг, бу ердаги сўзларга, — деди. Яна кассетани янгитдан қўйди. Хонданинг она халққа чексиз эҳтиром билан йўғрилган сатрлари тағин садо бера бошлади:

Тарихингдир минг асрлар
Ичра пинҳон ўзбегим.
Сенга тенгдош Помиру,
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.
Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Ўрхун хати,
Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим.

Маҳалладошим бироз тин олган бўлди-да:

— Кўрмаяпсизми, бу шеърнинг ҳар бир мисрасида олам-олам маъно. Шу даражада бутун бир тарихни бир нуқтага йиғиб шеър битиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, — деди.

Мен бир эмас, икки-уч марта магнитофонда янграётган "Ўзбегим" шеърини маҳалладошимга қўшилиб эшитдим ва ҳар гал гўё янги бир шеърни эшитаётгандек, эшита туриб, қоровул маҳалладошимнинг завқ ва шавқини ҳис қилгандек сездим ўзимни. Бу воқеадан кейин кўп ўтмасдан Ёзувчилар уюшмасида катта бир йиғилиш бўлди. Йиғилишда адабий жараёнга тегишли баъзи бир масалалар муҳокама қилинди. "Ўзбегим"дан олган таассурот мени тинч қўймади шекилли, сўзга чиқдим. Маҳаллада бўлиб ўтган ўша воқеа тафсилотини гапирдим. Мажлис аҳли менинг сўзимни эътибор билан тинглади. Бир неча соатдан кейин мажлис тугади. Кўчага чиқаётган пайтда мажлис иштирокчиларидан бири мени чеккароққа тортди-да, деярли шивирлаган овозда:

— Бу гапларни билиб гапирдингизми ёки билмасдан? — деб менга сирли назар ташлади. Мен гап нима ҳақида кетаётганлигини ҳис қилган бўлсам-да, қизиқсинган алфозда:

— Нима эди? — дедим.

Дўстим яна оҳиста овозда:

— Масъул жойларда "Ўзбегим" ҳақида катта гап бўлаяпти-ку, — деди.

— Агар гапингиз шундан иборат бўлса, мен билиб гапирдим, —дедим ва фикримни исботлаш учун шеърнинг ўта ватанпарварлик руҳида битилганлиги ҳақида мажлисда айтган гапларимга бир оз қўшимча қилган бўлдим.

Бундан кейин ҳам "Ўзбегим"га нисбатан шу хилдаги гапларни эшитиб юрдим. Бироқ китобхонлар "Ўзбегим"ни ўқийверди, ўрни келганда магнитофонлар орқали эшитаверди. Уни тўхтатиб бўлмади.

Энди ўйлаб кўрсам, 70-80-йилларда тоталитар мафкурага хизмат қилганлар яна бир тайзиқ отига минмоқчи бўлган эканлар. Ўша йиллари Шуҳратнинг "Жангга йўл", П. Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романларидан мафкуравий хато излаб катта йиғилишларда, ҳатто матбуот саҳифаларида турли-туман адабиёт шаънига тўғри келмайдиган фикрларни эълон қилганлигини эслайман.

Яна "Ўзбегим"га қайтадиган бўлсак, бу шеър тарихига тегишли яна бир воқеани Ўзбекистон радиоси ходимларидан биридан эшитганим бор. Воқеа шундай бўлган экан. Ўша шеърга нисбатан тазйиқ ҳаракатлари бўлаётган пайтлар бўлса керак, унинг радио комитети раҳбарларидан бири зудлик билан ҳузурига келишни илтимос қилади. Раҳбар ходим билан кўришиб-сўрашишни ҳам унутиб, буйруқ оҳангида дейди:

— Тезлик билан олтин фонд архивига тушинг. У ерда сақланаётган Умар Отаевнинг "Ўзбегим" декламацияси ёзилган кассетани олиб чиқинг, — дейди.

Табиийки, ходим буйруқни бажаради. Кассетани олиб чиқиб раҳбарнинг столига қўяди. Муаллифни аниқлаб олиш мақсадида, кассета устидаги ёзувларни диққат билан қайта-қайта кўздан ўтказади. Яна буйруқ оҳангида кассетани ходимга қайтариб бериб:

— Буни тезлик билан ўчиринг ва йўқ қилинг, — дейди.

— Мен ҳангу манг бўлиб қолдим, — дейди ходим ўша дақиқаларни эслаб. — Кассета қўлимда, шоир ва ҳофиз меҳнати кўз олдимдан кетмасди. Уни "йўқотиш" шахсан менинг ўз юрак-багримдан зарур бир нарсани юлиб олиб ташлашдай бир азобга айланди. Буни қилолмадим.

Бадиий жиҳатдан етук асарлар чегара билмайди. Улар бир кун келиб миллий доирадан чиқиб, бошқа мамлакатларга ҳам тарқаладилар. Дадахон Нурийнинг "Олтин девор тирқишидан" номли китобида шундай воқеа тасвири бор: асар қаҳрамонларидан бири Малайзиянинг гавжум кўчаларидан бирида ғизиллаб машинада кетаётган экан, даъфатан қулоғига ёқимли овоз эшитилибди. Машинани тўхтатиб овозга эътибор билан қулоқ солибди. Ва шу ондаёқ машинани орқага қайтариб овоз чиққан жойга етиб келибди. Бу ер бир ўзбек савдогарининг дўкони экан. У дўконда савдо қилаётиб "Ўзбегим" қўшиғини магнитофонда эшитаётган экан. Бу асар қаҳрамони дўкондор покистонлик ўзбек йигитнинг дўконига кириб келганида беҳад хурсанд бўлиб, "Ўзбегим" туфайли суҳбат қуришибди, ҳатто дўкондор покистонлик меҳмонни уйига таклиф қилиб, икки-уч кун мулозамат кўрсатибди. Шундай қилиб, бу қасида туфайли бир-биридан узоқ жойларда макон қилган икки ўзбек бир-бирларига яқин биродар бўлиб кетишган экан.

Эллигинчи йилларнинг охирларида мен Миллий университетимизда дарс бериб, маҳорат муаммолари хусусида махсус курс олиб борганман. Э. Воҳидов ўша пайтлари Филология факультетининг охирги курсларида эди. Ўшандаги ёш Эркин ҳамон эсимда. У ўта сипо, вазмин, ҳар нарсага дарров муносабат билдиравермайдиган йигит эди. Халқда "Қўчқор бўлар қўзининг пешонаси дўнг бўлар, одам бўлар боланинг пешонаси кенг бўлар" деган мақол бор. Шу мақол нуқтаи назаридан қараганда, домла сифатида менинг тасаввуримда Эркин пешонаси кенг талабалардан эди. Ўша пайтлари адабиётда бадиият муаммолари устида кўпроқ фикр юритиш одат эди. Шунга мувофиқ талабаларни ҳам шу муаммолар томон буриш кайфияти бор эди менда. Сезишимча, Эркинда бу масалаларга қизиқиш кучли эди. Шу боисдан диплом ишини танлаганда у мураккаб масалани – "Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" достони композицияси" деган мавзуни танлади.

Иш жараёни мен кутганимдек бўлди. Эркин беҳад катта қизиқиш билан диплом ишини ёзишни бошлади. Ҳатто унинг эътирофича, шундай бўлдики, у фақат бадиий композиция масалалари билан чекланмасдан, "Садди Искандарий"нинг нашр қилинган нусхаларини Қўлёзмалар фондидан излаб топиб, матнларни солиштириб чиқди. Ва нашрдаги анчагина ғализликларни ҳам ошкор айта олди. Оқибат шундай бўлдики, Эркин диплом ишини муваффақият билан аъло баҳога ҳимоя қилди.

Мазкур мақоланинг асл мавзуси "Ўзбегим" ҳақида бўлганидан адабиётшунос Р. Иноғомовнинг "Шоир бўлиш осонмас" деган китобидан олинган қуйидаги кўчирма билан сўзимни якунламоқчиман: "Жаҳон халқлари адабиёти тарихига назар ташланса, шундай асарлар борки, улар муайян миллий адабиётни бирданига бир поғона юқорига кўтарган, довруғини оширган, ижодкорнинг номини эл аро машҳур қилган.

Халқнинг дилида ва тилининг учида турган гаплар биринчи маротаба жасорат билан, гўзал шеърий сатрларда тараннум этилган "Ўзбегим" қасидаси ана шудай асарлар сирасига киради. Мазкур асар майдонга келгунга қадар Э. Воҳидов халқ ўртасида танилган. "Тонг нафаси", "Юрак ва ақл", "Лирика", "Менинг юлдузим" сингари шеърий китоблари, "Буюк ҳаёт тонги", "Нидо", "Орзу чашмаси", "Палаткада ёзилган достон"лари билан халқнинг севимли шоирларидан бирига айланган, асарлари бошқа тилларга таржима қилиниб, нашр этила бошлаган эди. Аммо "Ўзбегим" қасидаси беғубор ва сокин осмонда тўсатдан гумбурлаган момақалдироқ янглиғ ҳаммаёқни ларзага келтирди. Э. Воҳидов номини тез машҳур қилиб юборди, турли даврлар, тўй-ҳашамларда муқаррар ижро этиладиган қўшиқ, ёд ўқиладиган шеърга айланди. Каттакичик бу шеърдан хабардор, кўпчилик уни ёд биларди".

"Ўзбегим" бундан кейин ҳам адабиётимизнинг энг нодир асарларидан бири сифатида халқимизнинг дилидан, тилидан тушмайди.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
академик

Ойина

ДЎППИ БИР АЙЛАНГУНЧА...

("Hurriyat": 01.01.2003 – 31.12.20003 й.)

Эртага не бўлишини банда билиш не, ҳатто тасаввур қилолмайди. Бу — бор гап. Биз — "Hurriyat"чилар ҳам кўплар қатори шиддатли замонамизнинг бир йилини кулиб-суюб-куйиб поёнига етказмоқдамиз...

Поёнига етаётган йилнинг нимаси ёдда қолди? деган саволга бир қарашда тузукроқ жавоб бериш қийиндек: ўша ишхона, ўша муҳит, ўша кундалик юмуш-ташвишлар, ўша ҳамкасблару ўша сиз гоҳ алқаб, гоҳ... ўқиётган газета... Бироқ шу жараённинг бевосита иштирокчилари бўлмиш биз — таҳририят ходимларининг юриш-туриши, қадам олишларига ёвуқроқ боққандик, ўзгариш дейишга арзигудек ҳолатлар рўй берибди 2003 йилда...

Бу йил биз учун энг кутилмаган воқеа — Бош муҳаррир **Амиркул Каримов**нинг тўсатдан... кўтарилиб кетгани бўлди: бир ош пишгулик вақт ичида бизнинг эндиликда собиқ, моҳиятан содиқ "шеф"имиз мамлакатимиз доирасидагина эмас, унинг ташқарисида ҳам фаолият кўрсатиш имконини берувчи ташкилот — "Олтин мерос" Халқаро хайрия жамғармасига раис бўпкетди. Бунинг суюнчисига янгамиз қўчқордай ўғил туғиб бердилар. Ана омад-у мана омад!..

Амиркул акадан о-озгина аввалроқ **Норали Очил** дегич ҳамкасб-биродаримиз ҳам парвоз қилиб улгурганди: "Hurriyat" бош муҳаррири ўринбосари бўлган инимиз дастлаб устоз **Хуршид Дўстмуҳаммадга** муовин, шу баробарида Матбуот ва ахборот агентлигида ишлаб юрганди, яқинда эса ЎзА деган ка-атта ташкилотга ўтиб, оҳори тўкилмаган ахборотлар тарқатиб ётибди.

Юқорида номи зикр этилган ҳамкасбларнинг "кўтарилиб" кетишгани яхшику-я, бироқ бу каби ўзгаришлар "Hurriyat"да "раҳбарлар комплект" деган қочиримли гапнинг истеъмолдан чиқаргани чатоқ бўлди-да: нега десангиз, нари борса, тўрт нафар ижодий, икки нафар техник ходимга 3 нафар журналист раҳбарлик қилиб турганди-да?! (Шукрки, бизда етакчилар кўп, айни ўринда фақат штатда турганлар тилга олинмоқда — **Тахр.**) А. Каримов ва Н. Очилов парвозидан сўнг шу-унча иш, ташвиш, яна бир ўринбосари — **Исмат Худоёров**га қолди. Ишга шунчалар меҳр қўйдики, буни кўриб, бу акамиз ҳам кўтарилиб кетса, ҳолимиз не кечади, ишқилиб, биргаликда кўп ва хўп бирга ишлайлик-да, дея дуо ўқишгача боряпмиз...

Масъул котиб — **Ҳаким Сатторий**нинг сермаҳсуллиги, кўз тегмасин, бу йил ҳам ўз мевасини бермай қолмади: газетамизда босилган катта-катта бадиий-публицистик мақолаларининг ўзи-ку таҳририятимизда ўралашиб юрган, истеъдодидан иддаоси кўпроқ ёшларнинг ёзғувчиларга намуна. Ҳартугул, буни кўплар қатори биз ҳам э-энди тушуниб, ҳатто айримларимиз одатий ҳолдек қабул қиладиган бўлмоқдамиз. Гайратингизга кўз тегмасин, Ҳаким ака!

Турсунали Акбаровнинг инжиқлиги, зарда-ю ғалваси а-анча меъёрига келиб қолди. Аввалгидек кў-ўп ёзмай қўйди, бироқ ондасонда ёзаётган мақоласидан кейин бўладиган шов-шув, қўнғироқбозлик, миш-мишлар қуввати аввалгиларидан қолишмайди.

Ислом Султонов — янги ходимлардан; серғайрат-у сермулоҳаза, меҳнаткаш-у заҳматкаш, жисми жонидан оқибат ва садоқат туйғулари чак-чак томади... Кайфияти хушлигида юзида ўртача тароват акс этади, денг: лабда табассум, икки бети қип-қизил, кўзлари биё-биё... Бир ўзи уч кишининг ишини маҳорат билан уддаламоқда: бўлим бошлиғи, кассир, ҳайдовчи...

Шоназар Иброҳим — суратчимиз, бу йил ҳам эски одатини ташламади: кимнинг расмини олмоқчи бўлса, гўёки «объектив»га тўғирламоқчи бўлгандай елка, қўл, билак, бўйин...ларидан ушлаб қўяди...

Собиржон Ёқубов ва **Муҳиддин Абдурасулов** ҳақида нима дейиш мумкин?.. Ўтган бир йил давомида улар катта-кичик мақолалари, ҳулқи, одоби билан меҳримизни қозониб улгурди: ичишмайди, чекишмайди, ёмон қизлар билан "юришмайди". Фақат Собиржонни керак пайтда тополмай хуноб бўлсак, Муҳиддин кераксиз пайтда таҳририятда ҳозир бўлиб қолади. Уларнинг бундай "хато"ларини, албатта, кечирамиз, кечирмай қаёққа ҳам борардик: ҳар ҳафта газета чиқади, тунда навбатчилик қилиш эса шу иккала азалий ва абадий навбатчи муҳаррирлар зиммасида-да!

Элёр Убайдуллаев йил давомида келиб-кетган саҳифаловчилардан биттаси. Кўз тегмасин, яйраб бўлмасаям, ҳартугул, тишини тишига қўйиб ишлаб юрибди... Гоҳо нечундандир норизо бўлиб асабийлашади, қовоқларини солиб аразлайди, қарабсизки, икки қош ўртасида тугунча пайдо бўлиб турибди-да. То бир чашка кофе ёки бир қути сигарета билан уни овунтиргунча она сути оғзимизга келишини ҳисобга олмаганда, энг яхши ходимлар қаторида кўрамиз.

Шукрки, таҳририятимизда қизлар ҳам ишлайди, йўқса, шу-унча эркак аллақачон асабийликдан ҳафтипайкар бўлиб, жиннихонага равона бўларди. **Иноят қизимиз (Убайдуллаева)** кўп бамаъни, сокингина; ишхонада бор-йўқлигини ҳам билмайсан. **Шарофат қизимиз (Кўзиева)** шаддодгина, уддабурон ва оқила: бу йил ёш бошига бош бухгалтерлик тушди, кўз тегмасин, ишни қийиб қўяяпти. **Зумрад (Лутфуллаева)** қизимиз — ширин қизимиз. Зумрадбону, гарчи референт вазифасида ишласа-да, тежамкорлигини кўриб, бемалол бош иқтисодчи лавозимига қўйиш мумкин, деган хаёлга борамиз.

Зебо (Абдуқодирова) қизимиз — яхши қизимиз, матнларни боплаб кўчиряпти, билиб-билмай файлдаги мақолаларни ўчиряпти. Шундоқ бўлади-да ўзи: то малакали матн терувчи шакллангунча ё мусаҳҳиҳ шапкўр бўлади, ё масъул котиб асабдан — тутқаноқ... Янги йилда умид шуки, Зебохон "оптика" ёки дўхтирхонага бизни кўп чоптирмас...

...Хў-ўш, тилга олинмаган кимлар қолди? "Hurriyat"да штатда туриб, ризқини тераётганларни ёзиб бўлдик ҳисоб.

Дарвоқе, шартнома асосида жамоатчинамо мухбирларимиз ҳам бир дунёки, байрам баҳона уларга-да а-андек лутф қилмасак айб бўлар... Сурхондарёда **Даврон Орипов** бор, **Сафар Омон** бор... Давронбой муаммоли мақолалар ёзишнинг ҳадисини олган, Сафар ака аж-жойиб очеркачи... Боз яна Сурхонда **Холиқ Хурсанд** дегич ҳофиз-ёзувчимиз ҳам борки, акамиз ҳақидаги сўзимизни насияга қолдирамиз...

Қашқадарёда **Исмоил Амиркулов** иш бошлаганига кўп вақт бўлмади, нечоғли эканини ёзган мақолалари бор, ҳали кўрсатади, ўшанда билиб оласиз...

Хоразмда **Шавкат Болта** деган фаолимиз бор эди, бу йил а-анча сустлашди, шу боис унинг ўрнини адаши — яна бир Шавкатбой билдирмасликка ҳаракат қилмоқда.

Самарқандда — **Убайдулла Хўжаниёзов**, ўта ўператив, яъники тезкор, ўпкаси ўзидан уч метр олдинда юради, дея ҳазиллашамиз гоҳо. Янги йилда тезкорлиги фақат оёққа эмас, фикрига ҳам инадиган бўлса, ишлари беш бўлади. Сўнг қарабсизки, Убайдулла — оппоқ, Убайдулла — дўмбоқ...

Сирдарёда донишманд **Мухтор Носир** Тақсиримиз бор. Мақолаларининг ўзи фасоҳат, юрган йўли — ҳидоят, энг яхши шиори — садоқат, алқисса, аломатда акамиз. Жуфти ҳалолига бўлган муҳаббатини кўриб, фақат ва фақат ҳайратда қотамиз.

Фарғонада — **Солиҳ Қаҳҳор** "Дайди қизнинг дафтари"ни титкилаб чарчаган пайтда "Hurriyat"га ҳам ёзиб туради, шунданми, ким билсин, матнидан француз атрининг ҳиди келади... Қўқонда — **Шавкатҳожи Шарипов** биродаримиз бор, мақола ёзмайди, бироқ аския-латифа-ҳангомаларига котиблик қилган одам бемалол рўзғор тебратиши мумкин...

... Ҳозирча шунақа гаплар. Олдинда янги йил, қолганига Ё Раззоқ!..

Voice of America

Америка овози

www. voanews. com/uzbek

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида

Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.

«Америка овози»

радиосини қисқа тўлқин — УКВ 20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19, шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 километрда ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.

«Америка овози» радиосининг ўзбек хизмати ўз фаолиятини телевидение кўрсатувларини ҳозирлаш йўналишида қайта кўраётгани учун Тошкент вақти билан соат 17:30 да бериладиган ярим соатлик эшиттиришини шу йилнинг 23 ноябрь, якшанба кунидан эътиборан тўхтатди.

Тошкент вақти билан 20:00 да бошланадиган дастуримиз эса ҳеч қандай ўзгаришларсиз давом этади. Ўзбек тилидаги телекўрсатувлар билан боғлиқ ҳолатимиз ҳақида Интернетдаги саҳифамиз орқали танишиб боришингиз мумкин.

VOA

МУРОЖААТ УЧУН
VOA UZBEK SERVICE
Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA
Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368
uzbek@voanews.com

Mustaqil gazeta
HURRIYAT
Ўзингни англаб ет!

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

«Hurriyat» kompyuter markazida Elyor UBAYDULLAYEV tomonidan sahifalandi.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06. E-mail: hurriyat@rambler.ru

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 0063

Ⓡ — тижорат белгиси.

Т: 2492

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.